

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

«ЁШ ОНАЛАР» БЕЛЛАШУВИ



Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси «Ёш оналар» республика кўрик-танловини ўтказди. Бу танловни ўтказишдан мақсад — оилада она соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишига эътиборни қаратишдир. Гўдак парвариши, онанинг ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги ҳуқуқи ва фаоллигини ошириш, экологик манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ақлан ва жисмонан бақувват фарзандларни камол топтириш, табиат инъомларидан оқилона фойдаланиш ва келажақ авлодга соғлом экологик муҳитни мерос қолдириш каби эзгу ниятларни амалга оширишдир.

Уч босқичда ўтказилган мазкур танловнинг якуновчи республика босқичи эса, Ўзбек Миллий академик драма театрининг мухташам биносида бўлиб ўтди. Шу куни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 та вилоятдан келган ёш оналар ўзаро беллашдилар.

Оддий ўзбек аёлининг оилада, ма-

халлада, ижтимоий ҳаётдаги зукколиги, билими, саришталик каби маҳоратлари саҳнада маромига етказиб ижро этилди. Танлов давомида иштирокчиларнинг баъзилари билан сўхбатлашдик:

- Тошкентга биринчи келишим, - дейди бухоролик иштирокчи Санобар Раҳмонова. - Қайнота-қайнонам, хаттоки ота-онам ниям бирга олиб келдим. Кўпчиликнинг қаршисида туриб ўзимнинг оналик маҳоратимни намойиш этарканман, мен билан бирга келишган суянч тоғларимга қараб гурурландим.

- Сурхондарёликман, - дейди майин жилмайиб яна бир ёш она — Зебинисо Амиркулова, - 8 ойлик эмизикли боламни ҳам олиб келдим. Дадаси кўтариб турибди. Тўғрсини айтсам, «ЭКОСАН» деб кўп эшитардим, аммо ҳар бир киши бу ташкилотнинг қилаётган хайрли ишларига ҳисса қўшиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. Эндиги тасавурларим ҳам, мақсадларим ҳам бошқача...

Наманган, Қорақалпоғистон, Сирдарёдан

келган ёш оналар сўхбатига бориб қўшилдим.

- Ватани севиш оиладан бошланади, деб ўргатардим кизалоқларимга. Энди яна шунга ҳам амин бўлаяпман-ки, Ватани севиш ниҳолни беҳуда синдирмасликдан, ҳовлига гулу райхон экишдан ҳам бошланар экан. Мен бундай тadbир ўтказилаётганидан жудаам хурсандман. Кўп китоб ўқидим. Кўп нарсани ўргандим, мана дугоналар ҳам ортирдим, - дейди наманганлик иштирокчи Дилфуза Асанбоева.

Ёш оналар миллий урф-одатлар, фарзанд тарбияси, она сутининг аҳамияти, экологик маданият, онанинг ҳуқуқларига оид саволларга зукколик билан жавоб беришди. Иштирокчилар тибхандлик, оиладаги носоғлом муҳит, болалар касалликлари, оилавий моҳаролар, атроф-муҳит тазалиғига бефарқлик каби иллатларни саҳна кўринишлари орқали моҳирлик билан ижро этишди. Ёш, гўзал, тadbиркор оналар ижросидаги бадий чикишлар — мумтоз кўшиқлар ижроси, рақслар тўхфаси, ифодали ўқиш маҳоратла-

ридан ҳамма бирдек завқ олди.

Танловнинг қувонарли жойи шундаки, даярли барча иштирокчи ёш оналар ўз қайнота-қайнонаси, ота-онаси, турмуш ўртоғи, хатто фарзандлари билан бирга келишган. Бу нарса уларнинг оиласидаги тотувлик, иноқлик, ўзаро меҳр-оқибатдан дарақ беради.

Танлов якунида, сирдарёлик **Нодира Шербекова** — биринчи, наманганлик **Дилфуза Асанбоева** — иккинчи, тошкентлик **Шоҳина Иброҳимова** — учинчи ўринни эгаллашди ва уларга Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг «Фаҳрий Ёрлик» лари, «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Қолган, барча иштирокчилар ҳам «Фаҳрий Ёрлик» ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Tadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова, «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасининг раиси Юсуф Шодиметовлар қатнашиб, дил сўзларини ихзор этишди.

Х. ХОТАМБОЕВА

УМР ШУҚРОНАСИ



- Ёшлиқда ҳамманинг кўнглида ҳар хил орузлари бўлади. Аммо менинг ёшлигим уруш даврига тўғри келди, - дейди Шарифа опа Қўшоқова. - Биз 9-синфда ўқиб юганимизда уруш бошланди. Синфимиздаги ҳамма кизларни университетдаги бир йиллик тарих ўқитувчиларини тайёрлаш курсига жўнатишди. Уни битирганимдан кейин мактабда ишладим. Бу вақтда анча тажрибам ошиб, тарих фанига меҳр қўйиб қолгандим. Шу

сабабли Низомий номли Педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирдим. Ўқидан сўнг эса шу институтга ишга тақлиф этишди.

Талабаларнинг чакноқ кўзларига боқиб сабоқ берарканман, ўзимни бахтиёр хис этардим. Йиллар ўтиб институтнинг фаҳрий педагоглари қаторидан жой олдим. «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» унвонига сазовор бўлдим, «Шўҳрат» медалли билан тақдирландим. Сўхбатимиз давомида оиласи, фарзан-

ду, набиралари ҳақида гапираркан Шарифа опанинг кўзларида адоқсиз меҳр порларди.

- Ҳаётим оилавий бахтим билан янада гўзал, мазмунли бўлди. Турмуш ўртоғим Маҳкам Қўшоқов тенги йўқ ажойиб инсон эдилар. (Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин.)

Биз бир-биримизга ҳамфикр, меҳрибон бўлиб 44 йил бахтли умр кечирдик. Ўғлимиз Шўҳратжон муаллим. Келиним Муҳайёҳон ҳам яхши касб-кор соҳиби. Шу

ердан нафақага чиқди. Оиласи аҳил, 4 нафар фарзандни вояга етказишди...

Бари ўқимишли, зукко бўлиб ўсишди умринг узоқ бўлгурлар. Олти нафар эвараларимни айтмайсиизи? Оллоҳга шўр, эвара кўриш бахтига етказди.

- Армонларингиз ҳам борми?

- Ўтган умримдан розиман, болам. Ҳалол меҳнат қилдик. Атрофимда нордек набираларим, набира келинларим парвона. Низомий номли Педагогика институти жамоаси ҳар бир байрам, тантаналарида мени тақлиф этишади. Давраларнинг тўрида ўтираман. Ўзим-ку илгарни ҳам унча-бунча ёзиб турардим. У кишининг вафотларидан кейин анчагина шеърлар ёздим. Шу билан ўзимни овутиб ўшайман. Кексаликка етказгани учун шўқроналар қиламан.

Юртимизда Шарифа опа каби қанча-қанча табарруқ аёллар бор. Ҳаётимиз эса шундай мўътабар оталар, оналаримиз билан файзли.

Б. САЙИДАЛИЕВА

ЧОЙДАРИЛИК ТЕМИР ХОТИН

Мабодо Бахринисони танийсизми, десангиз чойдарилликлар бизнинг қишлоқда бунақа аёл йўқ деб жавоб қилишса ҳайрон бўлманг. "Темир хотин" керак эди денг, э, шунақа демасизми барақа толгур, у Суон домлани келини-да, деб жавоб беришади. Ҳозир "Толли-ота" фермер деҳқон хўжалигининг раиси. Чойдарилликлар ҳазил мутубибага жуда ўч халқ. Қишлоқ одамлари феъл-атворга, касб-корга қараб исма-га нимадир "ёпиштириб" қақир-қисқирмасга кўнгуллари тинчи-майди. Бахринисони ҳам "Темир хотин"га айланишда қишлоқ оғзи полволларининг анча-мунча ҳиссалари бор, албатта.

Бахринисо асли тошкентлик, бу гадои топмас ерларга келиб қолиши ҳам тақдиринг шомоли бўлган. Қишлоқ хўжалик институтида ўқиб юрган кезлари яккабоғлик Боймурод Аллаёровнинг "тузоғи"га илиниб қолса бўладими... Йўқса Тошкентдаги шаҳри азимда Боймуродчалик йигитлар озмиди... Тўйга келган тошкентлик қудалар бош чайқашиб, очиги, кўғир-

чокдек қизлари Бахринисога ачинишди. Фирт қишлоқ бўлса, ичимлик сувининг ҳам тайини йўқ, табиий газ ҳақида гапир-маса ҳам бўлади. Нима бўлса ҳам қизимизга инсоф бериб кўниксин-да.

Тўйга келган қишлоқ аёллари эса шундай мўмин қобил йигит-ни тошкентлик "илиб" кетганига бир ачиниша, бир домла ўғлидан умидини узаверсин, тўй ўтар-ўтмас келин бола Боймуродни буйнидан ип ўтказиб ўз шаҳрига равона бўлади, деб пиш-чирлашди. Шаҳарлик қизлар бу шаҳарга мослаша олмайдилар, Бахринисо чимилдик ичида ўти-риб олиб уларнинг гап-сўзлари-ни обдон эшитди. Қиз бола бўлса-да, ориятли бўлгани учунми, дилида "хап санларни-ми, кимлигимни шундай кўрса-тиб кўяйки, эгилликда манаман деган қишлоқ аёллари ҳам йўлимда қолиб кетсин" деб кўйди.

У сўзида қатъий турди. Овсин-ларига қўшилиб, қоришиб кет-ди. Очиги, йиглаб сиктаб қиш-лоқ аёллари қиладиган одатий

юмушларни ўрганиб олди. Си-гир соғишининг ўзи бир азобу унинг тагини тозалаб таппи қилиш ундан-да азоб. Агар ўша юмушни қилмасанг қозондаги овқат, хаттоки чой ҳам қайна-масдан қолади.

Хўжалик идорасига ҳисобчи бўлиб ишга жойлашди. Деҳқон халқига озгина ноҳақлик қилин-са ҳам ҳисобчилар Бахринисодан офтобда қорачадан келган Бах-ринисонинг юзлари янада қорайди. Бир кун янги ўйлари учун эру хотин лой қоришди. Ўйлаб-негиб ўтирмасдан унинг паҳасини ҳам ўзи ура бошла-ганини кўрган, давраларда унча бунчага гап бермайдиган Хасан чавандоз ҳам хайратдан ёқа уш-лаб "Келин, сен бугундан бош-лаб "Темир хотин"сан, тошкент-лик келин деб эмас, "Темир хо-тин" деб қақирамиз, деди. Бу гап чойдарилликлар орасида яшил тезлигида тарқалди. Буёғи қиш-лоқчилик, гап ётмай-ди. Бахринисо орт-

тирган "лақабдан" асло хафа бўлмади.

Фермерлик ҳаракати бошла-ниши биланок хўжалик раҳбар-ларига учрашиб, ер олиб деҳ-қончиликка бир кучини синаб кўришлигини билдирганда унинг таклифини рад қилишди. Ниҳоят, раҳбарлар билан даҳа-наки жангда голиблик шохсупла-сига "Темир хотин" кўтарилди. Унга деҳқончилик қилиш учун 2 гектар ер майдони ажратилди.

Шунга ҳам уч-тўрт йил бўла-япти. Ўтган йилдан бошлаб юз бош қорамол ҳам қилди, ахир моли борнинг жони бор-да. Хар йили режаларни ортиги билан бажариб, обод юртнинг бой бўлишига ҳиссасини қўшиб келмоқда. "Темир хотин" ҳам учрашмоқчи бўлсангиз, уни бошоқлари шамолда охиста бош силкитаётган буғ-дойзорда учратасиз. Бу йил ҳам ҳосил мўл бўлади. Ахир бу ерда хар қандай эркакни ҳам ўзининг ишчанлиги билан орт-да қолдирадиган "Темир хотин" ишлайди...

Махбуба ОДИЛОВА
Қашқадарё вилояти
"Туркистон-пресс"

Яхшилардан сўз очдик

ЖОНКУЯР, ФИДОЙ, ТАЛАБЧАН УСТОЗ

Хар қандай масъулият билан амалга оширилган ишнинг ортида муваффақият бўйи чўзади. Эзгулик ва яхшилик учун қилинган меҳнат кадр топаверади. Қирқ йил умрини болалар таълим-тарбиясига бағишлаган инсон, Хоразм вилоятининг Хазорасп туманидаги 1-сон иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси Собир-жон Ражабовнинг машаққатли меҳнати кадр-қиммат топган. Эъзозлангани аввало шук, унинг юзлаб шо-гирдлари жамиятда ўзларининг муносиб ўринлари-ни эгаллаб, устоз берган сабоқлардан миннатдор. Қолаверса "Халқ ўқитувчиси" деган шарафли ном ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Устознинг эзгуликка бахшида 45 дақиқалари зами-



рида юксак масъулият ётганлигини англаш қийин эмас.

Собиржон ака жонкуяр, фидойи, талабчан устоз. Муаллим дарслар жараёнида ўқувчиларга фақат тайёр, муайян билимларини бериш билан чекланиб қол-масдан, балки уларни таҳлилий асосда англаб етишга ундайди. Мустақил равишда аниқ ҳулосалар чиқара биллишга ўргатади. Чунки математика фани бошқа муҳим фанлар сингари ақлни чарчлайди, фикрлаш-га, дунёқарашни шакллантиришга ўргатади.

Устоз ўқувчиларга: "Билим оддийгина ёдда қолди-риш билан эмас, балки уни чуқур таҳлил қилиш, фикр-лаш биллиш ҳаракати билан янада мустаҳкам, самар-али бўлади", - дея уқтиради.

Дилбар БЕКЖОНОВА

КУЗ — ТҶЙЛАР ФАСЛИ



қолдим. Бировнинг ризқини биров ея олмайди, деганлар ш бўлса ке-рак. Бўлмаса Тошкент билан Ургут-нинг орасида қанчалик масофа бор. Ризқимни еб, ҳожи бобони суҳбат-га тортдим.

- Ёшим 76 да,-дега гап бошладилар ҳожи бобо. - Дунёнинг аччиқ-чучу-гини, пасту-баландини кўрдим. 4 йил қон кечиб урушда ҳам бўлган-ман. Яраланиб қайтиб келдим. Тан яра битиб кетдию, дил яраси ҳали-ям битгани йўқ. Қулоқларим ости-дан ўқларнинг овози, одамларнинг дод-фарёди, аёлларнинг йигиси, оч-яланғоч гўдакларнинг инграши ҳеч кетмайди. Қўй болам, бугун тўй кун, у кунларни эсга олмай. Ўйла-сам, ичим эзилиб кетади. Яхши гап-лардан гапирар, сен ёзавар. Ўзи га-зетага чиқарсанми ёки мен қари чолни лақиллатаяпсанми, болам?-дега кўзларимга жиддий тикилдилар ҳожи бобо.

- Э ҳожи бобо, мени хафа қиляп-сиз,-дейман мен ҳам жиддий оҳан-да.

- Унда ёз,-дега хотиржам гап бош-ладилар ҳожи бобо. - 11 та фар-зандим бор. 3 таси ўғил, 8 таси қиз. Ҳаммаси уйли-жойли бўлиб, ўзи билан ўзлари тиниб-тинчиб кетиш-

ган. Мен уларни 32 йил мактабда ишлаб пешона терим билан боққан-ман. Худого минг қатла шукр, бо-лаларим эсли, ҳушли. Ҳозир 53та набарам, 24та чеварам бор. Хар йили бири бўлмаса бири тўй қи-ларди. Тўйларида албатта менга тўн кийдирадилар. Мени улар шунча-лик ҳурмат қилганларидан бошим осмонга етади. Буни набираларим кўриб турибди. Эртага улар ҳам ота-ларига, оналарига шундай иззат-ик-рон қилади албатта. Қуш инида кўрганини қилади, болам. Илоё бо-лаларим ҳам мендай қариб, мен кўрган ҳурматга сазовор бўлсинлар. Худого шукр, ҳали ҳам азимдан чиқишмайди. Бу болаларимни не азоблар билан катта қилган раҳмат-ли хотиним баъзида эсимга тушиб, ич-ичимдан ўкинаман, бояқиб бу кунларни кўролмади, деб.

Ҳожи бобонинг кўнгли бузилган-ни сезиб гапни бошқа мавзуга бу-раман.

- Ҳожи бобо, халқимизнинг ажой-иб удумлари бор-да. Бахордан куз-гача тиним билмай далада тер тўкиб меҳнат қилади. Кузда оёқни бема-лол узатиб, топганини ўртага со-чиб, тўй қилади.

Кеч кириб суҳбатимиз ҳам ниҳоя-сига етди. Кўшни қишлоқда келин тўйининг ёр-ёри, уларнинг айтган гапларини исботлаётгандек янгар-эди. Худого шукр, юртимиз тинч, халқимиз фаровон, хайру барака-миз ҳам бор. Саховатли қузнинг тўқин дастурхони, халқимизнинг тўйдан боши чиқмаётганини кўриб ич-ичимдан қувондим. Ҳожи бобо-нинг тақдирдан мамнун бўлдим.

Тоҳир НОРИМОВ

АЁЛ БОРКИ ОБОД УЙИМИЗ

Аёллар ҳаётимиз шамшироғла-ридир. Уларни хар қанча кадр-ласек, эхтиёт қилсак арзийди. Аммо баъзан аёлларни камсити-ши, таҳқирлаш ҳоллари учрай-ди. Бундай ҳолатларнинг юз бер-маслиги сиз билан бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ.

Яқинда Ўзбекистондаги БМТ ва-йиллигининг идорасида аёл-ларни таҳқирлаш, камситишга

қарши халқаро кунга бағишлан-ган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатига Олий Мажлис ўтаватллари, Ўзе-бекистон хотин-қизлар кўмитасининг вакил-лари, оммавий ахборот воситала-ри ходимлари қатнашишди.

2001 йил 19 октябрдан 18 ойга мўлжалланган, аёллар камсити-лишига қарши тарғибот-ташвиқот

компанияси иш бошлади. Компа-ния минтақамиздаги тўққиз мам-лакат — Озарбойжон, Беларус, Қо-зғистон, Қирғизис-тон, Литва, Молдова, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистонда давом этмоқда. Ушбу учрашув ҳам БМТнинг тара-ққиёт дастури доирасида бўлиб, компания мақсадларидан келиб чиққан ҳолда иш кўради. Учрашув-

да БМТ вакили жаноб Ричард Конрой Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ра-исининг ўринбосари, оила ша-роитида камситишларни олди-ни олиш ишчи гуруҳининг раҳ-бари Диловар Қобулова, ген-дер масалалари бўйича БМТ маслаҳатчиси Доно Абдуразо-кова, "Меҳри" аёллар жамияти ва "Таскин" ишонч маркази раҳ-бари Наима Холмухамедова-лар сўзга чиқишди.

ЗИЁДА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

Жамият ҳаётининг мезо-ни бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъно-сига етиб бориб, амалий ҳаётимизни доимий қўлланмасига айлантири-шимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

БУРЧИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-модда-сида: "Барча фуқаролар Кон-ституцияда белгилаб қўйил-ган бурчларини бажаради-лар", - дея таъкидланади. Дар-ҳақиқат юртимизда шахсларга нисбатан ҳурмат, ишонч бўли-ши, уларнинг ташаббусини, ижодкорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда, улардан жамият ва дав-лат олдидаги маълум бир бур-чларни бажариш ҳам талаб қилинади.

Фуқароларнинг интизомини мустаҳкамлаш, давлат ўрнатган тартиб ва қоидаларга риоя қилиш жамиятимиз ривожини таъминлаш шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган конституциявий ту-зум фуқароларга кенг ҳуқуқ ва эркинликлар бериш, уларни амалга оширишни кафолатлаш билан бирга фуқаролар зимма-сига маълум бурчларни бажари-шни юклайди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари-нинг бирлиги шахс, жамият ва давлат манфаатининг узвийли-ги принципида намён бўлади. Бу принципнинг амалга ошири-лиши Ўзбекистон фуқаролари-нинг ўз бурчларини тушунган ҳолда ва ихтиёрий бажарган-ликларида ҳам намён бўлади. Демак, ҳуқуқ бор жойда бурч ҳам бўлиши керак. жамиятда шахснинг тутган ўрни, мавқеи фақат ҳуқуқ билангина эмас, балки шу билан бирга бурч билан ҳам белгиланади. Фуқа-ро ўзига берилган эркинлик билан бир қаторда юклатилган масъулиятни ҳам сезиши зар-рур.

Фуқароларнинг конституция-вий бурчлари жамият ва дав-латнинг маълум шахснинг ол-дига қўядиган жуда зарур та-лабидир. Бу талаб Конституция моддаларида ўз аксини топган ҳамда амалдаги қонунларда аниқ белгиланган. Конститу-циявий бурчларнинг ўзи ҳам ҳуқуқий характерга эга бўлиб, унинг бажарилиши маълум воситалар билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бурчлари Конституция меъёрларида ўз аксини топиб, маълум тизим-ни ташкил қилади.

Х. ТҶХТАМУРОД

Одатдаги дам олиш кунларининг бири-да рўй берган бу муддиш воқеа ёш оилани барбод қилди...

Уша кўни Назокатхон ўғилчаси Олимжоннинг тузилган кўнига совға олиб келиш учун бозорга кетган эди. Уч ёш қаршилаётган ўғилчасини Бахромжон олиб қолди. Олимжон хонада ёйилиб ётган уйинчоқларини ўйнаш билан овора эди. Бахромжон бундан хотиржам бўлиб, диванга ёнбошлаб китоб ўқиб ўтириб, кўзи уйкуга илинди. Болакай эса бироз фурсат ўтиб зериккан, энди кўли етган жойлардан идишларни — чойнакми, пилёмаки, шунга ўхшаш нарсаларни тортиб тушира бошлади. Шу пайт боланинг кўзи стол устида турган чироилиди идишчага тушди. Кўлчасини узатган эди, қопқоғи омонатгина ёпилгани учун сарсарик рангли думалоқ шаклдаги дорилар ёрқатган бўлиб қолди. Болакай дорилардан бирини оғзига солган эди, таъми ширин туюлди, яна бир неча доначаларни тўплаб, битта-битта юта бошлади. Шишачадаги дориларнинг ҳам-

бўлди. Онаси томонидан уйга қамаб кетилган тўрт ёшли Сарвар гугурт ўйнаши оқибатида ёнғин юзага келиб, тутундан гўдак захарланиб вафот этди.

Хонобод шаҳар, А. Фитрат кўчаси, 138-уй, 43-хонадонда ҳам ёнғин содир бўлган. Уша пайтда уйда уч ёшли Беҳзодмирзо бор эди. Кичкинтой Беҳзодмирзо ҳам бевақт вафот этди. Шаҳрихон тумани, "Дустлик" ширкат хўжалигидаги Полосон қишлоғида яшовчи Қудратилло Икромовнинг хонадонидagi ёнғин натижасида ҳам етти ойлик чақалоқ — Диёрбек бешикда куйиб ҳалок бўлган...

Бундай ёнғинлар натижасида айнан гўдак болаларнинг ўлими кўп учраётганлиги айни ҳақиқат. Ҳаёт не эканлигини тушуниб етмаган, олам ғўзалликлари ҳақида тушунча олиб ҳам улгурмаган бу гўдакларни нега асрай олмаямиз? Нега оналар, оталар ўз фарзандлари тақдирига бунча бефарқ бўладилар? Гоҳида ана шундай

бўлган бола шифохонага келтирилган. Суяк синиши оқибатида 23 нафар бола ҳаётдан кўз юмган. Бу шифохонадан келтирилган болалардан ҳар йили ўрта ҳисобда 800-900 нафари бир йиллик муддат билан ноғиронликка чиқарила-



ди.
- Ота-оналар юз берган фожеалардан сўнг айбни бошқалардан қидирадилар, - дейди Икромжон Акбаров. - Холбуки, ота-оналар болаларини доим эҳтиёт қилганларида эҳтимол қўлаб нохуш ҳодисаларнинг олди олинган бўлар эди...
Давлатимиз меҳрибон, ғамхўр. Ноғиронликка чиқарилган болалар учун нафақалар тайин қилинади, албатта. Аммо бир умр соғлиғидан айрилиб, тўшаққа миҳланиб яшашнинг ўзи даҳшат эмасми? Отанинг бепарволиги туйғайли болаликнинг тақдорини асраётганлардан бенаҳсаб умр кечирганим не эканлигини кўз олдингизга бир келтиринг...
Ҳаётда бундай лоқайдликларни кўп бор



ЎҒЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН

(Боши ўтган сонларда)

Болаларингга фақат ҳалол луқмани едир! Меҳнатингга розилик билан берилган ҳақингга ол. Билгил, бировнинг ҳақи, норози қилиб олинган мол ўзингга зиён келтирмайди, аммо болангнинг биттасини ўғри қилади, қазоб қилади ёки яхши бир болангни фожеага йўқитирадир! Фарзандларингга раҳм қил, ўғлоним!

Ўғил боланинг жавобгарлиги отанинг бўйнида. Ёшлиқда қилган хатоларингни болангга тақдорлашишга асло йўл қўйма, отанг сенга ўргатмагани сен болангга ўргат. Бу бир томондан отанг иккинчисининг гуноҳларингизни ювади. Қолаверса, болангдан бошлаб сулоланг яхшиланади.

Ўғлинг биринчи синфга борган заҳоти мактабдан ташқари вақтларини бўш ўтказма. Номинг миллионроқ бўлса ҳам, болангга ҳунар ўргат. Ўрта мактабни биттирунча, маҳаллангдagi ҳунармандларга шоғирд тушир. Новвойлик, сартарошлик, қассоблик, қосиблик, дурадгорлик, ошпазлик илмларини икки йил-икки йилдан қузатса ҳам, бола пишади. Аввало, одамлар билан муомалани ўрганади, меҳнат азият эканлигини, пулнинг қадрини билади. Эракнинг бошига нималар тушмайди дейсан, ҳунарга қўли келиб қолса, тақдир — палаҳмон тоши, уни қаерга отса, оқ қолмайди, аҳли аёлини ҳам хорликка қўймайди. Вақти келиб, уй тутиб, эшик очганда, болга-қосов ушлашни, игна, қапқир тутишни билиб олса ҳам ҳарна! Боласининг сочини ўзи текислаб қўйса ҳам қанча яхши! Муҳими, рўзгорнинг ҳамма қорига ярайдиган эпли эрак бўлади!

Ўғлоним, ният қилиб қўй, худо ҳамёнингга барака берсин ва боланг бочадан чиқмай туриб, унинг қобилиятига қараб, маҳсул тарбиячи-ўқитувчилар ёллаган. Сен буюк Шарқнинг боласи эканлигинг, дунёни тебратиб турган илмлар асосан Шарқдан таралгани ёдингга турсин! Шунга ишонки, сенинг боланг ҳужайраларида ҳам бу улғу замин ҳосиятлари мудраб ётади. Ота-онанинг Оллоҳни-ю бандаларининг олдидаги муқаддас бурчи шу истеъдодларни уйғотмоқ, тиккаламоқдир. Ота-буваларимиз интиқлик билан, яхши муаллимларни шаҳарма-шаҳар юриб дарақлаб, болаларини муштдекликда уларнинг этагига солганлар. Устоз-шоғирдлик муносабатлари бизда муқаддас саналган. Устозларнинг обрўси шоғирдлардаги ҳосилга қараб белгиланган. Шу боис, муаллимлар фидойилик билан таҳсил берганлар. Шарқ шу тарзда равақ топган. Халқ шу боис, устоз деган зотни бошига қўйган ва хануз "устоз — отангдан улуг" деган гапни фарзандларига уқдириб келади.

Разм соддингми, ўғлоним, оталиқнинг масъулияти боласига номи жанангнинг дипломи олиб бериш эмас, уни ҳақиқий илми, ҳунарли қилиб қўйишдир.

Шарқнинг хатто қизлари от минганлар, камон отишни, сувда сузиш, дарахт-дарахт юришининг устаси бўлганлар. Чавгон асосан қизлар ўйини бўлган. Ўғлоним, ўғлинг билан баб-баравар қизингни ҳам жисмонан пиштиш пайида бўл. Эртанги авлоднинг сифати бугунги қизларнинг аҳволотига ҳам боғлиқ. (Давоми бор)

Феруза МИРЗОЛИМОВА
Анджон шаҳри

Турсунно СОДИҚОВА

КЎЗА... КУНИДА ҲАМ СИНМАСИН

масини тутатган, бошқа ўингга қизиқди. Орадан беш-ўн дақиқа ўтган, болакайнинг кўнли айниб, қаттиқ ўқчий-ўқчий чиқиб-чиқиб йиғлай бошлади. Ана шунда уйқудан бош кўтарган Бахромжон "нима бўлди?" дея ўғилчасини кўлига олди. Худди шу пайтда Назокатхон бозордан келди. Боланинг ранги докка мисоли оқариб, кўзлари телага қараб қолган, деярли ҳушсиз ҳолатда эди.

- Нима бўлди ўзи?
- Билмадим, ҳозиргина уйнаб ўтирган эди, - деди Бахромжон шошиб.

Назокатхон ҳам, Бахромжон ҳам боланинг аҳволини кўриб ўзларини йўқотиб қўйишган эди. Нима қиларни билишмай боланинг оғзига сув тутишди. Бола тамшаниб, бир-икки хўплаган бўлди. Бахромжон "тез ёрдам"ни чақирди. Орадан анча вақт ўтган, "тез ёрдам" шифохорлари етиб келишди. Боланинг аҳволи оғир эди. Шифохор дарҳол шифохонага олиб боришни тавсия қилди. Афсуски, "тез ёрдам" машинаси шифохонага етиб боргунча эндигина уч ёш қаршилаётган ҳажжи Олимжон ёруғ дунё билан видолашган эди...

Назокатхон доришунос эди. Шу сабабли унинг уйда турли хил дорилар сақланар эди. Уша дам олиш кўни ерталаб ён қўниши оракини тинчлантирадиган доридан сўраганида беш-олти дона олиб берган, шошилчинда шишачанинг қопқоғини ёпишни ҳам, юқорироққа олиб қўйишни ҳам унутган эди...

Кўп миқдорда ичилган юрак дориси кичкинтойнинг умрига зомин бўлди.

Азиз муштарий, энди ушбу фожеани билиш кўли кўрайлик. Агар она фарзанди хавфсизлигини ҳар дақиқада уйлаганида, ўша дорини ўз вақтида қўл етмас жойга олиб қўйганида, бу бахтсизлик содир бўлмас эди, балки. Олимжоннинг ўлимида отасининг бепарволиги ҳам сабабчи бўлди. Бахромжон ўғилчасини назорат қилганида эди... Хуллас, жондан азиз фарзандининг барвақт умри ҳазон бўлишига фақат ота ва онанинг бепарволиги сабаб бўлди.

Шу ўринда айтиш мумкинки, аёл учун фарзанд кўриб, омон-эсон воғга етказишдан-да улгуроқ бахт йўқ аслида. Тўққиз ой вужудда кўтариб юриб, тўққизинг минг бир азобларига рубарў бўлса-да, дунёга келган мурғанининг биринга ширин табассуми билан бошидан кечирган оғриқларни бир зумда унутиб юборади. Ахир аёл ана шундай ухлати ва меҳри туйғайли ОНА бўлишдек бахтга мушаррафдир. Зеро она фарзандини ҳаммадан кўра кўпроқ яхши кўради. Агар бирор бир ўлғас бўлса, кўш нури билан она меҳри таққосланса, турган гапни онанинг фарзандига нисбатан меҳри кўш нуридан-да кучлироқ эканлиги исбот топса ажаб эмас. Бироқ минг афсуслар бўлсинки, ўз фарзандини жонидан ҳам азиз кўрадиган оналар кўп вақт ўз фарзандларига билиб-билмай душманлик қилиб қўядиларки, буни айтоққа тил оқизлик қилади. Келинг, яхшиши, ҳаётий мисолларга мурожаат қилайлик.

Анджон шаҳар, 1-кичи даҳа, 29^а-уйнинг 30-хонадонида нохуш воқеа содир



мудҳиш бахтсизликларни эшитганимизда, кўпчилик: "Бу тақдир азалнинг иши-да, ажал келса ёшу қари демайди", - дейдилар. Аслида эса бунга катталарнинг хотиржамлиги, очиги оддийгина қилиб айтганда эҳтиётсизлиги сабаб бўлган, дейиш ҳеч қимнинг ҳаёлига келмайди. Ҳаётда бўлган мана бу воқеа ҳам ўз-ўзидан содир бўлган эмасди. Яъни ўзига тўқ оила бошлиғи, кўш-кўш машинаси бор М. исмли савдогар уйига зарур бўладиган ҳамма нарсани улгуржисига олишга одатланган эди. Енгил машинасига ҳар кўни зарур бўладиган бензин учун қайта-қайта навбатда туриш жонига теғдими, ҳар тугул танишибилишлари орқали бир тонна сигимли бензин учун цистерна сотиб олиб, ҳовлиси олиб келиб ўрнатади. Ҳар гал зарур пайтда бензинни челақда ботириб олиб, машинасига қуяр эди. Қўларнинг бирида челақни тушириб, қўзланган миқдорда бензинни чиқара олмай, биттаю-битта етти ёшли ўғлини тўнқур орқали бензинни олиб чиқиш учун цистернани ичига туширади. Бола қўлида чўмич билан бирикчи марта бензинни челаққа қуядию аммо кучли хиддан боши айланб, ҳушидан кетади. Атиги беш дақиқа олдин уриб турган юрак кучли захарланиши туйғайли тўхтади. Ҳамма нарсани "оптом" олишга ўрганган отанинг фарёди ўғлини ҳаётга қайтара олмади...

Яна бир бахтсиз воқеа шундай содир бўлган: Ховлиннинг ўртасидаги водопровод суви оқиб ҳар томонга ёйилмаслиги учун унинг ёнига чуқур қовлаб қўйилдию, устани ёпиб қўйиш ҳеч қимнинг ҳаёлига келмайди. Чуқур эса ифлос сув билан лиммо-лим бўлган эди. Одатдаги қўларнинг бирида она ҳам, ота ҳам ўз юмшун билан банд бўлиб турганида, оиланинг кенжатоғи — уч ёшли болакай шундоқ водопровод ёнига келиб сув ичмоқчи бўлади, бироқ сирпаниб, ҳалиги чуқурга тушиб кетади. Атиги бир неча сония орасида мурғак бола ўлим билан юзма-юз бўлди. Хўш, бу ҳам бахтсиз тасодиф эди-ми?..

Анджон вилоят травматология ва ортопедия шифохонаси бош шифокори Икромжон Акбаров нафас маълумоти кўра, ўтган йили 2729 нафар ун тўрт ёшгача

қузатганман. Айтайлик, мактабга серкатнов йўлдан қатнайдиган ўғлига ёки қизига йўл ҳаракати қондасини атоқидил тушунтирадиган ота-оналар кам. Ёки мурғаккина боласини кўтариб бозорларда юрадиган, дуч келган нарсаларни ювилмаган ҳолда фарзанди оғзига тутадиган оналарни ҳар қадамда учратиш мумкин. Ёки айтайлик, тетаюла бўлиб, бир-икки қадам ташлаётган гўдагини ўз холига ташлаб, қўшни аёл билан соатлаб гаплашиб ўтиришни одат қилган оналар йўқ дейсизми?.. Ахир юқумли касалликлар шифохонасида сариқ ва ўткир юқумли ичак касалликлари айнан гўдак болаларда кўп учраши ана шундай бепарволикнинг натижаси эмасми?..

Биз катталар бирор бир кўнгилсизликка дуч келсак, "бошимиз тошга тақ" этиб текканидагина "нега шундай бўлди?" - дея ўзимизга савол берамиз. "Ахир шундай бўлмаслиги мумкин эди-ку!" - деган фикрни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Тўрсики, ана шундай пайтларда раҳматли онаминг сўзлари ёдимга тушади. "Боласи бор аёлнинг оёғи олтига, кўзлари саккизта бўлиши керак", - дер эдилар. Ушанда онам нега шундай деганлигига аҳамият бермаган эканман. Тушунишимча, онанинг кўзлари саккизта бўлиши унинг зийрак нигоҳи фарзандини назорат қилиш бўлса, оёғи олтига бўлиб, чакқон ҳаракат билан гўдагини ҳар балодан асраши демак экан...

Ойнаи жаҳонда "Тирик сайёра" номли кўрсатувда ер юзасининг турли минтақаларида яшайдиган мавжудотлар ҳақида батафсил ҳўқоқ қилинади. Эътибор берсангиз, қўп ҳолларда биз онгсиз ҳайвон деб биладиган энг ваҳший жониворлар ҳам ўз зуриёдларини яқин атрофдаги хавф-хатардан асраш учун интилар экан. Хўш, нега биз инсонлар ана шундай эҳтиёткорликни унутиб бораемиз? Хар сонияда рўй бериши мумкин бўлган бахтсизликдан ўғил ёки қизимизни асрасак, келажагимизни асраган бўлаемиз-ку!

- Қўшимизнинг ўғли деворимизга чиқиб юрган эди, тартибга қақирдим, - дейди таниш аёл. - Қўшим эса: "Ўғлим билан ишингиз бўлмасин, ҳозир томга чиқадиغان олов пайти, ҳоҳлаганини қилаверди", - дейди. Уқитувчи бўлатуриб мени тушунмади. Холбуки мен қўшимнинг ўғлига ёмонликни раво кўрмаган эдим. Қарангки, икки кун ўтган, ўша бола баланд девордан йиқилиб, бир оёғи синибди.

"Кўза кунда эмас, кунда синида!" - деган халқ мақолини кўп эшитамиз. Оллоҳдан тилаб олган фарзандларни тўрт мучаси соғ, омон воғга етказиш учун кўп нарса керак эмас. Энг асосийси эътибор ва хўшрелик керак бўлади. Шу ўринда атоқли шоиримиз Зулфийнинг таъбири билан айтганда, агар она қалби оёққа турса, ҳар қандай фалокатнинг олдини олиш қийин эмас. Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарий?..

- Синглим, мен газетангизнинг муҳлиман. Ҳозир сизларнинг маслаҳатингиз керак бўлиб турибди, - дея гап бошлади ташвишли овозда бир йигит.

- Бемалол гапираверинг, кулогим сизда, - дейман гўшакни кулогимга қаттиқроқ босиб.

- Исми Абдувоҳид, 46 ёшдаман. Оилам, фарзандларим бор. Шу пайтгача оилам тинч, бахтли яшаб юривдик. Аммо кеча бўлиб ўтган бир воқеа туфайли уйимда бугун жанжал - тўпалон. Шу вақдан сизларга кўнғирок қилишга мажбур бўлдим, - дея бир муддат жим қолди сўхбатдошим.

- Нима бўлди, тинчликми? - деб таскин берувчи оҳангда сўрадим.

- Э, сўраманг... Узи бировга дарду ҳасрат қилишни хушламамас эдим. Лекин оилам бузилиш арафасида...

Гап шундаки, кеча ишдан қайта-ётиб, бекатда автобус кутиб турган эдим. Шу пайт 2-3 ёшлардаги бир болага кўзим тушди. Бир дам кузатиб турдим. Юпун кийиниб олган, қадам ташлашдан юришни ўрганганига ҳали унча кўп бўлмаганлиги билиниб турарди. Мен аста унинг ёнига бордим. Кўзлари кўк, сочлари жингалак, рус миллатига мансуб эканлиги шундоқ билиниб турибди. Мен ундан "Ойинг қани", "Отинг нима", деб сўрадим. У эса тугили бир-икки овоз чиқаргандек бўлди. Бундан англадим-ки, боланинг тили ҳали яхши чиқмаган. Уйқусираб турган болакайнинг қўлидан тутдим, у ёқ, бу ёққа юрдим. Зора, унинг ота-онаси шу атрофда излаб юришган бўлса, деб умид қилдим. Бекатда одам камая бошлаган, яқиндаги бир дўконга кирдим-да, ўзимнинг ким эканлигимни айтиб, мабодо йуқолиб қолган боланинг ота-онаси излаб келса, шу ерга борсин, деган маънода манзилимни ёзиб бердим. Ўзим эса болани етаклаб уйга жўнадим.

- Уйдагиларингиз ҳам кутилмаган меҳмонини кўриб хайрон қолишгандир? - дедим қизиқишимни яширолмайд.

- Аввал хайрон бўлишди. Фарзандларимнинг ҳаммаси ўғил. Шунинг учун дарров унинг атрофида гирдиқалапак бўлиб қолишди. Хотиним ҳам аввал унинг юз-қўлини ювиб, овқатлантирди. Лекин бир оз вақт ўтгач, ўз-ўзидан "тўнини тесқари кийиб олди", Нима дейди денг?

- Нима дейди?..
- Бу бола ўзингизнинг болангиз. Сиз уни ўзингиз боқиб учун олиб келгансиз, дейди. Мен унга: "Эй, хотин, эсинг жойидами, кўчада юрган экан. Бечорага раҳиман келганидан олиб келдим", - десам, у бўлса: "Нима учун бўлмаса у сизга ўхшайди? Қаранг, сочлари ҳам жингалак, кулоқлари ҳам сизники", -

деди-ю, йигит бўлди.

Унинг бу гапидан кейин болага бошқатдан, яхшилаб разм солдим. Сочлари ҳақиқатдан мениккага ўхшаш жингалак, кулоқларига қарадим-у, секин ўзимнинг кулогимни ушлаб қўйдим. Каловланиб, тутилиб: "Ҳа энди, одам-одамга ўхшайди-да. Ўхшар экан, деб менинг бўйимга тўхмат тошини осмоқчимсан? - дедим бу тасодифий ўхшашликдан ўзим ҳам ҳайрон

Кўнғирокларингиздан бири

қолдирган манзилимни ота-онаси олиб, топиб келиб қолар, деган илинжда эдим. Хотинимнинг жанжалидан кейин милиция ходимларини чақирувдим. Улар: "Ака, биз ҳозир наватчиликни қабул қилиб олдик, бириккита таянч пунктларини бориб кўришимиз керак. Яхши одам экансиз, сизникида тура-турсин, кейин келиб олиб кетармиз, бола ҳам сарсон бўлмасди..."

ИШОНЧ, САДОКАТ



МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

қолиб йўқ хотиним шаштидан тушмади. Ишонмади. Эрталабгача роса жанжал қилди. Эрталаб эса ота-онасини чақиртириб келди. Қайнота-қайнонам ҳам мендан роса хафа бўлишди. Койишди.

- Хотинингиз майли, беҳуда рашк қилаётгандир. Аммо қайнота-қайнонамгиз катта ёшдаги тушунган кишилар бўлса керак? - деб сўрадим ундан.

- Менга ҳам шуниси алам қилаяптида. Қайнота-қайнонамнинг олдида хотинимга бошқатдан ҳаммасини тушунтирдим. Тушунмади. Улар кетишгач, хотиним ҳам: "Болани қаёққа олиб бориб ташласангиз, олиб бориб ташланг, бўлмаса уйга қайтиб келмайман!", - деб чиқиб кетди.

- Болани милицияга топшириб юбормасиз-да?
- Ёш бола сарсон бўлмасин, балки

дедим.

Хотиним уйдан чиқиб кетгач, анчагача бошим қотиб, сиқилиб ўтирдим. "Қош кўман деб, кўз чиқардим шекилли", - деб ўйладим-да, келинимга телефон қилдим. Ўғлим билан келиним алоҳида туришарди. Келинимга: "Келин, шундай-шундай, - деб бўлган воқеани айтиб, болакай биров сизларникида туриб турсин", - десам, "Ҳа, кичкина қайнимми?" - дейди у ҳам ярамга туз сегиб. Хотиним уларга ҳам аллақачон бу хабарни етказибди-да, деган ўй хаёлимдан ўтди-ю, хафсалам пир бўлиб гўшакни кўйдим.

Кейин катта жанжалга айланиб кетмасин, хотиним жаҳлидан, шаштидан тушин деб болани маҳалламизда яшайдиган бир бева кўшнимизга олиб бордим. Аҳволни тушунтириб: "Бола сизникида туриб турсин", - деган эдим, ҳартугул у

рози бўлди. Уйга келсам хотиним телефон қилиб қолди. Унга болани бева кўшнимизникига олиб борганимни айтган эдим, баттар фиғони фалакка кўтарилиб кетди. Нима эмиш, мен бекорга болани бева кўшнимизга бермаган эмишман. У билан ораимизда бир гап бор эмиш...

- Наҳотки, хотинингиз сизга нисбатан шунчалик ишончини йўқотган?..

- Мен ҳам шунисига хайронман. У бир мустаргина бева аёл бўлса. Хотиним тушунмаган нарсани, ўша аёл тушунди-ку?

Очигини айтсам, мен боланинг тақдирини изга тушиб кетишига ишонман. "Сенинг боланг", деган тағма ҳам мени кўрқитаётгани йўқ. Мени ташвишлантираётгани, шунча йиллик оилавий ҳаётимда турмуш ўртоғимнинг менга нисбатан ишонсизлиги. Ахир эр-хотиннинг ўзаро ишончидан оила, рўзгор мустаҳкам бўлиши керак-ку? Колаверса, фарзандларим олдида мен нима деган одам бўлдим?... Бировга яхшилик қиламан деб, оилам бузилай деб қолди. Одамлар нима учун яхшиликни тўри тушунишмайди. Наҳотки, оилам иморати шунчалик нураб қолган экан, мен сезмадим...

Ҳозир шу ўйлар исканжасида ўтириб, сизларга кўнғирок қилиб дардлашгим келди... - дея ҳасратини яқунлади Абдувоҳид ака.

- Сиз ҳеч хафа бўлманг. Аввало, агар ҳақиқатдан ҳам болани топиб олганингиз рост бўлса, савобли иш қилибсиз. Боланинг ота-онаси топилар, топилгач хотинингиз олдида юзингиз ёруғ бўлади. Ҳали ҳаммаси изга тушиб кетади, - дея таскин бериб, сўхбатдошим билан хайрлашдим.

Бировга, айниқса ёши катта одамга маслаҳат бериш жуда мушкул. Лекин "Бир каттанинг гапига кир, бир кичикнинг", деган гап ҳам бор.

Абдувоҳид аканинг изтироблари ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмас керак. Бир бегона болани ўз уйига етаклаб бориш ва бунинг оқибатида оиласидаги тушунмовчиликлар, дилсиёхликларга қарши туриш учун ҳам мардона юрак керак. "Наҳотки, оилам шунчалик нураб қолган бўлса", - деб зорланаяпти шу юрак соҳибни.

Оила деган иморатнинг икки устуни бор - эр ва хотин. Агар шу устулларнинг лоақал биттасига шикаст етса, бу иморат омонат бўлиб қолади. Эр-хотин ўзаро бир-бирига елкадош бўлса, улар ўртасида ишонч, муҳаббат абадий бўлса, садоқат чегаралари бузилмаса, бу иморатни ҳеч ким буза олмайди. Бу иморат - мустаҳкам қалъага айланади.

Сиз нима дейсиз, азиз юртдошим?
Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА

Тахририятимизга қорачадан келган, истариси иссиқ аёл кириб келди. Аввалига аёл негадир иккиланиб турди-да, сўнг хижоасини бошлади.

- Оила кўргангизми ўн уч йил бўлди. Учта кизим бор. Аввал боғчада тарбиячи бўлиб ишлар эдим. Кейнроқ эрим ишлашнинг хоҳламаганлиги учун уйда, болалар билан ўралашиб қолиб кетдим. - Бир зумга аёл кўзларида ёш айланди, жимиб қолди.

- Рўзгорингизда етишмовчилик қийнаяптими? Қайнона, қайнотангиз қандай одамлар? - сўрадим мен.

- Йўқ, рўзгоримизда ҳеч қандай етишмовчилик йўқ. Қайнонам яхши, меҳрибон аёл. Қайнотам бир неча йил бурун оламдан ўтганлар. Бу ёғини сўрасангиз, 4-5 йил бурун алоҳида ер олиб уй-жой қуриб олганмиз. Ҳозир алоҳида ҳовлида яшаймиз.

Таажубландим. Рўзгори бут бўлса, алоҳида ҳовлида яшаса, тепасида қошини чиқариб турган қайнона, қайнолари бўлмаса, бу аёл нимадан бунчалик ғам чекмоқда?
- Сиртдан қараганда ҳаммаси

яхши, - сўзида давом этди у. Эрим ичиб, жанжаллашмайди. Хайдовчи бўлиб ишлайди. Узоққа катнайди. Топиш-тутиши яхши. Ҳамма бало мана шунда. Эрим кўп гапирини ёқтирмайди. Ичимдагини топ, қабилдан. Бир йилдан ошаяпти - бир аёл билан топишиб олган. Эрим аввалига

Тахрирларингиздан бири

кунни икки мартаба келиб турди, барча дориларини олиб берди.

Бегона аёл олдида мени хўрлаб, уришиб, янада бекадр қилмоқда. Мен аввало алам билан йилга-ётган аёлнинг турар жойини, эрининг ишхонасини ёзиб олдим. Туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла кенгашига, эркакнинг

ҒУРУРИ, ҚАДРИ БАЛАНД БЎЛСИН...

бунни тан олмади. Энди эса: "Сен ёмонлигиндан уни топдим. Нихоқ ўқитиб олдим. Энди у менинг шайрий хотиним. Агар бир-ронта ортиқча гап бўлса, сени жавабнинг берман", - дея дўқ урадиган бўлди. Бунисим майли, кейинги пайтларда у аёл кунига бир неча бор ҳақоратомуз дағдага билан кўнғирок қилиб асабимизни эгволяпти. Эримга айтдим, аёлни ўзига ҳам айтдим. Барибир тинчлик бўлмапти. Айниқса қизларим олдида бу ишлар жуда хунқуд. Бу воқеалар уларнинг тарбиясига, рухия-

нинг асабимни чарчатди. Аёл мени яшаб турган уйимдан чиқариб ташлашга уриниб, эримни ўз холига қўйишимни талаб қилди. Уришиб кетдик. У юзларимни тимдаб, баданимни кўкартириб ташлади. Касалхонага тушдим. Шифокорлардан керакли дорилар рўйхатини олиб, қизим орқали эримга бердим. Аммо у на мени кўргани келди, на дориларни топишга ёрдамлашди. Бу ҳам етмагандек, касалхонага тушганимдан ярим соат ўтгач, эрим у аёлни ҳам ёнимдаги патлага етказди. Уни кўргани ҳар

ишхонасидагиларга хат орқали муносабат боғлашимизни аёлга тушунтирдим. Аёл кўнгли таскин топгандек бўлиб кетди. Мен эса ўйлиниб қолдим.
Ташқарида қараганда эр уйнинг шароитини яхшилаб, иқтисодий асосини мустаҳкамлаган. Ичмайди, аниқ касб эгаси. Топиш-тутиши яхши. Бунни устига алоҳида бошланга эга. Аммо учта шириндан-шакар фарзандларнинг отаси бўлган бу йигит бегона этагини ушлаши яхши эмас. Бир зумга кўз олдига келтирсин — аёли шундай иш қилса

нима бўларди? Унга ёқармиди? Чидармиди шунга? Йўқ, албатта. Демак, эркак аввало оиласи олдидаги масъулиятини оқласин. Уларни тақдир тақозосига ташламай ҳимояласин, ҳақиқий умр йўлдош бўлсин.

Синглимизга ҳам айтадиганимиз: бирор касб-хунар этагини маҳкам ушласин. Ўз ғурурини баланд тустин. Номард эр олдида оёқ ости бўлмаган ҳолда фарзандларини намунали қилиб тарбияласин. Истагимиз — синглимиз на фақат олада, балки жамиятда ўз ўрнига эга бўлсин.

Шу ўринда яна бир хулоса — биз, ота-оналар қизларимизни эрга узатишдан олдин уларни ўқитиб, бирон касб-хунарли бўлиб чиқаришнинг таъминлайлик. Қўриб турганингиздек, ҳаёт мураккаб. Қўлида касбу хунари бор, дунёқарши кенг, мақсад-муддаси аниқ инсон ҳаётининг баланду паст сўқмоқларида эсанкираб, довдараб қолмайди. Хар қандай қийинчиликларни сабот, ирода билан енгиб ўта олади! Шундай эмасми?
Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

Хар бир оиланинг ўзи-га хос, бетакрор кўрғонлиги рост. Бинобарин, бу кўрғонларнинг қувончу таъшивлари ҳам бетакрор. Фақат ўзларига хос тарзда намоён бўлади. Шу жиҳатдан оилавий масалада бировга тўғри маслаҳат бериш қийин. Шунга қарамай, мен ушбу мақолада Сайёранинг тутган йўлини маъқулладим. Сабаби, у отасининг қалтис ишини ҳали онасига сездирмай, тахририятга баён қилиш орқали онасини қутилмаган руҳий зарбадан асрапти. Отасини ва учинчи одам - отасига яқинлашиб юрган қизни-да қалтис оқибатлардан оғохлантираяпти! Сайёранинг отаси ва ишхонадаги қиз бу оғохлантиришлардан хулоса чиқарса ёмон бўлмайди, деб ўйлайман.

Аммо шу суҳбат асосида оилавий муносабатларга доир диллимада тўплаган айрим фикрларни ҳам бири-ўйга айтиб ўтмоқчиман.

Аёллар - оиланинг чироғи, деймиз. Дарҳақиқат шундай. Оилада аёл бўлмаса уй, хонадон, ҳовли кўркамлигини йўқотади, фэйзсиз бўлиб қолади. Шунинг учун кўпчилигимиз кўчадан келиб, ҳовлига оёқ босгандан дарров турмушдошимизни йўқлаймиз. «Янғ қани? Топ, қақир!»,- деймиз. Улар останада юз кўрсатгач, диллимиз ёришади. Балки шу боис ҳамма жойда, ҳар қандай ҳолатда аёлларни химоялашга, эъвозлашга ўрганиб қолганмиз. Булар аёлнинг мушфиқлиги, оқилолиги, оқиллиги эмас, балки у - она, у - меҳрибон опа-сингил бўлганилиги учун ҳамдир.


Бирок, доно халқимизда «Меҳр кўзда», «Шири сўз - дил озиғи» деган нақллар ҳам борки, буларнинг заминиде оиладаги тинч-тотушлик, ҳамжихатлик, оила аъзоларининг дийдорлашуви ва бир-бирларига илтифотли бўлишига буюклик деган маъно ётади. Агар оилада шундай самимий ҳолатларга дарз етмаса эр ҳам, хотин ҳам, фарзандлар ҳам ўз ошенидан безмайди.

Мен кези келганда оилавий муносабатлар кескинлашувида аёлларнинг ҳам анчанмунча айблари борлигини очиб айтишни маъқул кўрдим. Эрак нега оиладан беъизди? У ғирт аҳмоқмики, баъзан 15, 20, 25 йиллик рўзгоридан воз кечиб кетади?! Кўзига ҳатто ширин-шакар фарзандларининг мултираб қарашлари ҳам кўринмайди! Ҳамма эрак қуяда кўринган хотинга илашиб кетаверадиган енгилмаган...

Менимча, ундай эмас. Эракка оиладаги ортиқча гиди-биди, унга нисбатан лояқатлик, фаросатсизлик таъсир қилади-

АЁЛ - ОИЛА ЧИРОҒИ ДЕЙМИЗ-У...

«Сенга инсоф берсин учинчи одам» — 44-сон



ЭСЛАТМА: Ота-онамиз шу пайтгача жуда яхши яшаган. Ҳозир ҳам уларнинг ўзаро муносабатларида соғуқлик сезмаймиз. Аммо, яқинда отамнинг ёш бир қиз билан учрашиб юрганини билиб қолдик. У қиз билан учрашсам: «Мен билан отанг шунчаки юрагини ёшиш учун гаплашиб юради, бўлмаса, касал бўлиб қолади»,- дейди. Буни биз — фарзандлар биламиз, аммо онам билмайди. Агар онам билиб қолса... Шунча йиллик турмушлари бузилиб кетиши, бизнинг эса дўст-душманнинг олдида бошимиз эгилиб қолиши мумкин.

САЙЁРА

ки, оиладан кетиб қутулади. Айримлари эса шундай ҳолатларни уриш-жанжал билан бостиришга уриниб, вақт ўтказди. Агар оилада ўзаро самимий муносабатлар таркиб толган бўлса, очикроғи аёл эрга нисбатан бепарқ, лоқайд бўлмаса, эр ўз оиласидан узоқлашмайди. Кимки истаган нарсасини ўз ёнидан тополмаса, узоқдан ёки бошқадан қидиради.

Шу ўринда Андижондаги йирик автокорхоналардан бирида бундан анча йиллар аввал раҳбар ва бир ҳайдовчининг хотини ўртасида кечган суҳбатни мисол тариқасида келтирмоқчиман. Ушанда ҳайдовчининг хотини эрининг баъзан уйга бормай қолаётгани, маошининг ҳам қўли камайганлиги ҳақида эрз қилиб келган эди. Раҳбар аёлнинг эрз-дурни шўшилмай эшитиб бўлгач, унга мурожаат қилди:

- Неча йил турмуш кўрдинглар? Фарзандлару, неваралар нечта?

- Турмуш кўрганимизга 25 йил бўлди. Уч ўғилни уйлаб, икки қизни чиқардик. Худо берган еттига неварамиз бор. Ҳаммаси бизнинг ёнимизда, - деб жавоб қилди онахон.

Раҳбар бу гапларни эшитаркан, хаёлидан ўша аёлнинг эри - ҳайдовчи билан бир кун аввал кечган суҳбати ўтди. Раҳбар ишга соч-соқоли қирилмаган, кир ва гижимланган уст-бошда келган ҳайдовчинини тўхта-тиб сўради:

- Уйлан шу ахволда келдингизми? Шаҳар транспортарида шундай ишламоқчимисиз?

- Уч-тўрт кун бўлди, уйга бормаяман...

- Аввал ўзингизни тартибга келтириб, сўнгра автобусни олиб чиқинг. Қолган гапни кечқурун гаплашамиз...

Кечқурун раҳбар ҳайдовчи билан дўстона суҳбатлашиб, оиласидан ҳафалиги сабабларини суриштирди. Ҳайдовчи

дангал айтди:
- Оилага фақат пулим керак, ўзим керакмасман. Борганимга-кетганимга ҳеч қим эътибор бермайди...

Раҳбар рўпарасидаги аёлнинг гапини тинглаб, ҳайдовчи ёлгон гапирмаганилигини англади. Сўнгра аёлга қарата гап бошлади:

"Опа, агар хафа бўлмасангиз бир гап айтаман, сиз ҳовлида неваралар билан ўралашиб қолиб, ҳамаси чолингизни хафа қилиб қўйгансиз. Бугун мен уни уйга жўнатаман, сиз у ховлига борганида, қўлига иссиқ сув беринг, ахир ҳайдовчи одам — эртадан кечгача қўли рулда, темир-терсач ушлайди. Кўнглига маъқул овқат тайёрлаб беринг. Невараларни ўз ота-онасига жўнатиш, улар сизга халақит бермасин. Эрталаб чолингизга уст-бошинг оҳорлисини кийдириб жўнатиш. Шундай қилсангиз ҳам эрингиз ўзгармаса, ўзим гаплашаман".

Бир ҳафтадан сўнгра раҳбар ҳайдовчинини диспетчерхонада учратди. У тоза уст-бошда, чехраси очик қолди йўл варақаси олмақда эди. Секин сўради: "Ярашиб қолдиларингизми?" "Ха, сизга раҳмат!"- деди ҳайдовчи.

Кўрдингизми, оддийгина эътибор нима-ларга қодир! Юқорида айтганимдек, оилада бир-бирига эътибор, меҳр-оқибат кучли бўлса, пойдевор тағига сув кетмайди. Буюк математик Пифагор: "Бахтли одам ишдан кейин оиласига шошилади", - деб ёзганида, ўшандай бир-бирларини соғиниб, интиқиб қутиб оладиган оила соҳибларини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Энди юқоридаги воқеага қайтсам, Сайёранинг отаси ҳам оиласида етарли меҳр-эътибор топа олмаганга ўхшайди. Бўлмаса, отасига таниш қиз Сайёрага: "Мен ҳозир отангизга жуда керакман, алоқани ўзсам касал бўлиб қолади..."- дермиди.

Хуллас, оила унга бириккан ва кейинчалик шу кўрғонда туғилган кишилар учун муқаддас дарғоҳ бўлиши керак. Ундаги ҳар қилиш ўз бурчини тўғри англаши, ёнидагиларни ҳам худди ўзидек авайлаши, асраши керак бўлади.

Навоий бобомиз ёзганидек: "Меҳр кўп кўргузди, аммо меҳрибоне топмадим", бўлса, айни пайтда уша қиздек четдан меҳрибон топилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Маҳмуджон НОРХҲУАЕВ
Андижон шаҳри

ҲАР КИМСАНИНГ БОШИДА БИР САВДО

Ханифахон, сизнинг дил изҳорингизни ўқиб тиниб-тинчимас, топармон-тутармон, айни чоқда келиннга меҳрибон, бағри кенг аёл эканлигингизни билиб олдим. Қанийди, ҳамма қайноналар ҳам сиз каби уйлаб иш тутадиган бўлишса. Билмадим, сиздан бошқа қайнона бўлса бундай қўли эгри, ўғри келиннинг дарров жавобини берармиди! Ҳар ҳолда, соқилликда гап кўп.

Одатда савдо билан пул топадиган кимсаларнинг кўпи топан пулини зикналик билан сарфлайди. Сиз эса шунчалик чиройли тўйлар ўтказиб, юртга ош берибсиз. Меҳнатларингиз эвазига қувониб ўрнига кесатик, мисатикқа дуч келибсиз: "Ха, мен гадоининг боласиман, ота-онамга элтиб бердим", "Каламуш инига ташиб кетгандир!" каби муғомбирона гапларига ҳам сабр-бардошли бўлиб: "Ха бунисига ҳам ишондим",- дебсиз-а?

Кишини ажаблантирадиган жойи шундаки, сиз шу ёлғизгина ўғлингизни ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялаб, олийгоҳда ўқитиб, машиналарни жуфт қилиб олиб берибсиз-у, ўша ёлғизингиз бир қўлига сиз онаизорини, биринчи хотинчасини олиб, ўйлаб иш тутуш ўрнига, унинг "чилдирмасига ўйнаб" уй ахтаришга тушипди. Мард ўғил бундай йўлни тут-

«Чимилдиқдан каламуш чиқди» — 44-сон

ЭСЛАТМА: Тақдир тақозоси билан ўғлимни бир ўзим ўстирдим. Бор орзу-ҳавасим ҳам, топсан-туганим ҳам шунга аталанди. Ойдеккина бир қизга уйлантирдим. «Шукр, энди тинчидим», деганимда... Олган келинимнинг миси чиқди. Қўли эгри экан. Бир-икки марта билиб-билмасликка олдим. Кейин ушладим. Икки набирам учун уни кечирдим. Бироқ келиним ўғлим билан ижарага чиқиб кетишди. Ахир мен кексайганда ҳайҳотдек уйда яшашни орзу қилганимдими?..

ХАНИФА

майди. Мақола мазмунидан маълумки, сизнинг шу ўғил ва набиралардан бўлак ҳеч кимингиз йўқ экан. Ёстикдошингиз ҳам дини-диёнати йўқ эрак бўлгани учун жавобини берган экансиз.

Келиннинг эгри қўлигини (катта сумкадаги товарларни уйига олиб кириб беркатаётган экан) ўз кўзингиз билан кўриб, қўл билан ушлагач уйдагиларини қақрибсиз, шунда кудалар келиб: "Сен ёмон аёлсан, доим шаҳарма-шаҳар юрасан",- дебди. Шунда ёлғизингиз (ўғлингиз) "Хотин йўлда, бола белимда, онамни ҳақоратламанлар демади",- дея зорланаётибсиз. Хали кўрасиз она қадрига етмаган, эгри қўл хотиннинг кетидан сандираб кетган инсоннинг ҳоли келгусида не кечаркин? Лекин келиннинг ота-онаси, хешу-ақроболарига айтар сўзим бор: эгри қўл қиз бир ердан келиб қолгани йўқ,

сиз кўкартирдингиз бу сассиқ алафни.

Бунинг учун юзингиз шувит бўлиши ўрнига, тилингизни беш қарич қилиб, қудагайингизга таъна тошларини отдингиз. Нокўбил ўғил жанжални томошабин бўлиб қузатгани туфайли сизнинг ва қизингизнинг айби ёпилиб, улар "дом"га кўчиб яшашмоқчи. Лекин бу ўғирлик иллати набираларингизда қуртак отмаслигига ким кафолат беради?

Ўтмишда ўғирлик қилган кимсага ёмон жазо бериларди, уни эл олдида сазойи қилинарди.

Минг афсуски, қонунчилигимизда ўғриларга бериладиган жазо, менимча, етарли эмасга ўхшайди. Хуллас, сўзингизни ниҳоясида Ханифахон ая, сизга сабр-матонат тилайман. Ўғлингизга инсоф берсин. Ёлғиз ўғил ва қизларни тарбиялаётган ота-оналарнинг қулоғига гапим бор: "Ҳеч қанон уларни папалаб эркаламанг, уларга меҳрингизни ўта сездирманг".

Қўпича ота-онаси ўта меҳрибон бўлган фарзандлар ҳаётда Ханифахоннинг ўғилларидек "қовун туширади". Қодир эгам ҳаммаларимизнинг фарзандларимизни қоқилмай яшайдиган инсонлар бўлишлигини насиб айласин.

Афифа ҲАСАН қизи

МУҲАББАТ ҲИЧЧОҚ ЭМАС

«Бундай бўлишни кутмаган эдим» — 38-сон

ЭСЛАТМА: Б. акам билан телефон орқали танишиб қолдик. Икки ойдан кейин учрадик. Шунда мен уни ёқтириб қолганимни тушундим. Хотини бизнинг муносабатимизни самимий деб ўйлаб, шубҳаланмайди. Мен эса борган сари Б. акамга ўраниб қолаяман. Севиш гуноҳ эмас, лекин унинг гулдек оиласини бузишни истамайман. Нима қилсам экан?

М.

Ҳурматли синглим М., дил изҳорингизда "Мен ҳам киминдир севишим керак-ку", - деб ёзибсиз. Тўғри, сиз ҳам севиб, севилиб бахтли ҳаёт кечирishing истайсиз. Лекин кўзингизни каттароқ очинг. Бировни севишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўринг. Бу муқаддас туйғуни, яъни муҳаббатни ҳар кимга ҳам изҳор этиш ўринли эмас. Сиз кўриб-била туриб оилани йиғитни севиб қолибсиз. Вақт-ўзига бу фикрингиздан қайтсангиз бўларди. Уша Б. акангизни хотинини ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Бир оилани бузиш эвазига бахтли бўлиш, қолаверса бир норасида гўдакни тирик етим қилиш Яратганга ҳам, урф-одатларимизга ҳам тўғри келмайди. Инсонга ҳаёт бир марта берилар экан, бунинг қадрига етмоқ керак. «Тенг тенги билан», деганларидек, ўз тенгингизни ҳали топасиз. Утирган қиз ўрин топади, қизим.

Энди шу ўринда икки оғиз сўз билан Б.га ҳам ўз фикрини билдирмоқчиман. Б. ука, сен оилани бўла туриб ёш қиз билан шундай ҳазиллашасан-ми? "Эрак киши оиланинг устун", дейди доно халқимиз. Қани сенинг устунлигинг? Гулдек хотининг, бир фарзандинг бор экан. Хотинингни қўнглига қарасанг бўлмайди-ми? Сен шунини яхши билиб қўйки, хотининг сени ва фарзандингни деб яшайди. Унинг кўнгли оғрийади-ми? Агарда сенинг ўрнингда у шундай ҳазиллашса, сен қандай чидардинг. Сенга оила, севиш, ҳаёт ўйинқоқ бўлди-ми? Қилган ишингдан виждонинг қийналмаяпти-ми? Ҳалиям кеч эмас, эс-хушингни йиғиб бу йўлдан қайт. Ножўя бир қадам туфайли инсоннинг тақдирини остин-устун бўлиб кетишини унутма.

ЖАҲОНГИР

Самарқанд

Хурматли МИРЗОИДЖОН ака!

Мен сизни таваллуд кунингиз билан табриклайман. Ўзини бошининг ҳел қалон эилмасин. **Б а р к а** иллатларинингизга эришинг. Манга қилган баъра яхшиликнинг устун раҳмат. Сизга олаик тилайман.

Синглингиз Мухайра

Хурматли МОҲИРА опа!

Сизни 28- ноябр - таваллуд кунингиз билан кутлаймиш. Хаминга со, умрингиз узок ва бахту-саодатли бўлсин.

Оила аъзоларингиз номидан укангиз Салоҳиддин

Азиз келинимиз МАХСУМА!

Сизни таваллуд кунингиз билан йни диндан табриклаймиш. Солиқ-саломатлик, бахтиёрлик тилаймиш.

Оила аъзоларингиз

*Ширин қизим менни,
Шурилан қизим сенни,
Муборак бўлсин бузун,
Азиз тўғилган кунини.
Қизим дег тақдирим,
Тоҳ урғуним, баққирим.
Силаб-сийлаб бошини,
Оширдин мен ётганим.
Сенни камолим кўриб,
Бошим осмонда бу кун.
Қалбдан ёзган шеъримни,
Совга қилдим шу бузун.*

Онажонинг Шукурова Дилфуза!

Тошкент Меҳрибонлик Уйи Битирувчиларини қўллаб-қувватлаш ва адаптация (мослашиш) Тошкент Маркази қуйидаги БЎШ ўринларга танлов эълон қилади:

- Директор; - ижтимоий ишчи.
- Номзодларга асосий талаблар:**
- ДИРЕКТОР:**
- олий маълумот;
- кадрлар бўйича, молия ва режалаштириш соҳаларида бошқариш тажрибаси;
- болалар ҳуқуқи базаларига фойда келтирган ҳолда улар манфаатларини тарғибот қилиш;
- болалар ва болалар ташкилотлари билан ишлаш тажрибаси;
- қийин шароитлардаги болаларни қўллашдан гоёвий манфаатдорлик;
- муаммоларни ҳал қила олиш иқтидори ва етук амалий қобилият;
- жамоат билан ишлаш олиш;
- ташаббускорлик;
- болалар билан ишлашнинг янги услубларини ўрганишга мойиллик ва манфаатдорлик;
- коммуникатив қобилият. Инглиз тилини билиш маълумроқ.
- ИЖТИМОЙ ИШЧИ:**
- болалар билан бевосита ишлаш тажрибаси;
- қийин шароитдаги болаларни қўллаб-қувватлаш истаги ва мойиллиги;
- изланишларни амалга ошириш тажрибалари ва ахборот тўплаш;
- болалар билан янги услубда ишлаш иқтидори ва интуитивчанлик;
- яхши коммуникатив қобилият;
- яхши амалий қобилият ва муаммоларни ҳал қила олиш қобилияти;
- ташаббускорлик;
- жамоа орасида яхши ишлаш олиш.
- Хужжатлар (3 та тавсия хати билан) 1526672 факси бўйича жўнатилди, электрон почта орқали қуйидаги манзилга "takhir@sef.uz" ёки қуйидаги манзил: Эҳтиром-3, 3-уй, Тошкент 700100, "Болаларни қутқаринг" бўйича телефон қўнғироқлари қабул қилинмайди. Суҳбатда катнашиш учун бошланғич танловдан ўтган номзодларгина тақлиф қилинади. Танловда катнашиш учун хужжатлар 2001 йил 10 декабргача қабул қилинади.

Хурматли укамиз КАМОЛЖОН!

Сени тўғилган кунингиз билан кутлаймиш. Иштингиза барака, солиқ, бахт тилаймиш.

Акаларинг Абдумурод, Улуғбек, Эркин, Ҳасан, Хусан, Урол

Азиз фарзандим ФЕРУЗ, рафикам Мартаба ЯРАШЕВА!

Сизларни таваллуд кунингиз билан табриклайман. Бағлимга ҳаминга со-саломат бўйинлар.

Бурхон Ярашев Каттакўрғон шахри

"МАДИНА БЕГИМ" ўқув маскани БАРЧА ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИ ўқув қўрсларига тақлиф этади:

1. Сартарошлик-2 ойлик. 2. Массаж-2 ойлик. 3. Уй ҳамшираси-2 ойлик. 4. Қандолатчилик-2 ойлик. 5. Замонавий усулда парда ва пакриваллар тикиш (каталог асосида). 6. Косметология-2 ойлик. 7. Компьютер - 2 ойлик. 8. Инглиз тили 2-ойлик. 9. Маникюр - 2 ойлик.

Амалиёти билан битирганларга диплом берилади. Олисан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Манзилимиз: "Хадра" меҳмонхонаси. 56 "А"-уй, 5-қават. Мўлжал: Циркнинг ўнг томонида. **Тел: 144-28-11, 45-95-48.**

"ЎКТАМХОН" ўқув маркази ўқишга тақлиф этади (ўқишга ҳар ойда қабул қилинади)

1. Бичиш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортиқ замонавий либослар, костюм-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тикишни моделлаштиришни ўрганаёсиз.

2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулоти утилади.

3. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан).

4. Массаж (амалиёт билан) - 2 ой.

5. Торт ва турли хил пишириллар - 2 ой.

6. Парда ва пакриваллар тикиш - 1 ой.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587
Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод базори орқасида. **Тел: 121-77-72 (кундузи), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан кейин).**

"КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР" ўқув маркази тақлиф қилади.

3 ойлик қўрслар:

- Инглиз тили.
- Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари.
- Банк иши ва компьютер билимлари.
- Телерадио-видео аппаратураларини таъмирлаш устаси.
- Компьютерларни таъмирлаш устаси

2 ойлик қўрслари:

- Компьютер билимлари: (Windows-2000? Ms Office) INTERNET, E-MAIL.
- Бухгалтерия ҳисоби.
- Электр жиҳозларини таъмирлаш устаси.
- Тикиш, бичиш ва моделлаштириш.
- Элита усулда парда ва чойшаблар тикиш.
- Массаж.
- Уй ҳамшираси.

Қўрсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент. Навоий кўчаси-9, "Пищепром" лойиҳа институти билисининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 58-48-50.

"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ

замонавий касб-ҳунар қўрсларига тақлиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНИК Қўрслари:

- WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC.
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-3 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби-2 ой.
- Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой.
- Акушерлик-6 ой.
- Ҳамширалик-3 ой.

ДИККАТ! Хар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машғулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифадаги мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: "Халқлар Дўстлиги" метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-қават. **Телефон: 47-09-52, 42-76-06.**

"ДИЛОРОМ" ўқув маркази тақлиф этади

3 ойлик

- Инглиз тили;
- Бухгалтерия ва компьютер билими;
- Тикиш бичиш моделлаштириш.

2 ойлик

- компьютер билимлари: (Windows-98, MS office: Word, Excel, Power Paint);
- Тугатганларга диплом сертификатлар берилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шахри, А. Қодирий кўчаси- 13 2 қават, 55-хона. Мўлжал Навоий метроси, Стом поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

Келинларнинг хайит дастурхонига торт ва пишириллар пишираман.

Тел: 162 - 67 - 86

15 ноябрдан 15 декабргача Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

ЁНГИНГА ЙЎЛ БЕРМАНГ...

Мана диёримизда қўзғинг совуқ кунлари бошланиб, қишинг аёзли кунлари қириб келмоқда. Шу жиҳатдан шахримизда ёнгинлар кўпайиб, давлатимизга катта моддий зарар етказмоқда. Бу ёнгинларнинг ақсарит сабаблари, муассасаларда, уй-жойларда иситиш печлари ва печ муриларининг носозлиги ёки уларни ўз вақтида таъмирланмаганлиги ҳамда улардан фойдаланиш даврида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Фикримизнинг исботи учун жойларда содир бўлган ёнгинлардан мисол келтирамиз.

18 сентябр куни Отчопар тор кўчаси 4-уйда ёнгин содир бўлиб, ёнгин оқибатида 40 кв. метр майдонда ҳаммом, ошхона ва ҳоҳатхона томларининг ёғоч панжаралари ёнган. Ёнгин сабаби газ печининг қизиб кетиши.

12 октябр куни Орипов кўчаси 14-уйда ёнгин содир бўлиб, ёнгин оқибатида 10 кв. метр майдонда ошхона томининг ёғоч панжаралари ёнган. Ёнгин сабаби иситиш печининг носозлиги.

4 ноябр куни Генерал Шералиев кўчаси 10-уйда ёнгин содир бўлиб, ёнгин оқибатида 10 кв. метр майдонда уй томининг ёғоч панжаралари ёнган. Ёнгин сабаби иситиш печининг қизиб кетиши.

Мухтарам ҳамшаҳарлар, сизларга иситиш печларидан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига эътибор беришингизни эслаб ўтмоқчимиз:

1. Ёқилган иситиш печлари устида, теварак-атрофида ҳар хил ёнғич кийимларни қуришти, учиб қолган оловни ёқишда бензин, керосин, ацетон ва шунга ўхшаш ёнғич ёнғич суюқлик ишлашти ҳамда ёниб турган иситиш печларини тузатиш;
2. Иситиш печларини ёқишдан олдин қул,

чанг ва ислардан тозалаб муриконларини ташқи тарафидан суваб ҳамда оқлашни унутманг;

3. Муриконнинг теварак-атрофида хашак, ўтин ва шунга ўхшаш ҳар хил ёнғич уй-рўзгор буюмларини сақлаш таъқиқланади;
4. Иситиш печларидан сунрақли ва тинимсиз фойдаланиш, уларни ёқилган ҳолда қаровсиз қолдириб кетиш қатъиян маъъ этилади;
5. Ўт ўчириш воситаларини совуқ кунларда ташқарида қолдириш, улардан бошқа ҳўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиш маъъ этилади;
6. Совуқдан музлаб қолган воситаларни примус ёки олов ёқиб эритиш, корхона ҳовлисида ўт ёқиб ҳар хил иш бажариш таъқиқланади;
7. Ёни болаларингизни гуғурт ва пиротехника маҳсулотларини ўйнаб қурак хашакларни ёқиб юборишларига йўл қўйманг;
8. Иситиш печи муриси билан ўйнинг ёнғич қисмлари оралиғидаги масофа 38 см.дан кам бўлиши керак эмас.
9. Шахсий уй-иморатлари орасида ёнғичга қарши тўсиқ эни 120 мм, баландлиги томинг устки қисмидан 600 мм қилиб гишдан ишлаб чиқилсин.

Азиз ҳошюрлар ёнгинни ўчиришдан кўра олдини олиш осонроқдир!

Агар ёнгин чиққанини кўрсангиз дарҳол "01"га қўнғироқ қилишни ва ўт ўчириш машинаси етиб келгунга қадар ёни болаларини ҳамда қимматбаҳо буюмларни олиб чиқишни унутманг.

Фатхулла РАҲИМБОВ,
Юнусобод тумани Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходими

ЎЗ АКАМАСК ЯХШИ КўРАРАМИ

Бир куни мана бундай туш кўрдим: гўё акам тўй қилаётганмиш-у, тўй бизникидамас, қишлоғимиздаги бошқа бир одамникида бўлаётганмиш... Бор- йўғи шу туш... Лекин мен эрталаб уйғониб, анча хафа бўлдим. Ўзимга "ака", деб атайдиганларимдан бири улса-я, деб ўйладим. Миямдан фақат "наҳотки Шоймардон ака", деган сўз кетмади. Уша пайтада шахримиздаги пиллашакли фабрикасида ишлайман. Мендан икки ёш катта Шоймардон исми йигитни акамдек яхши кўрадим. Бундан уч ойча олдин уйлانган, тўйига совғалар олиб боргандик.

Уша ҳафтада кечки сменада ишлаётган эдик. Махсус автобусимизда ишга кетаётиб, Шоймардоннинг қишлоғидан ўтдик. Навбатдаги бекатдан бир гуруҳ қиз-йигитлар автобусга чиқишди. Ҳаммаси менга бошқача қарайди. Дугонам Хайринисо эса менга қараб

лабини тишлади-да, бошини сарак-сарак қилди. Мен бирдан тушимни эсладим-у: "Ха Хайри, нима гап", - дедимди холос. Юрагимда боғия ҳадик. У "авария", деди-да "ёнимга кел", - дегандек қўли билан имлади. Мен нуқул: "Йўқ, йўқ бормайман", - дейман фақат. Худди унинг ёнига бормасам, Шоймардон ўлмайдигандек. Лекин "Хайрининг ўзи ёнимга ўтириб Шоймардон", - дедя олди ўпкаси тўлиб, у ёғини айтолмади. Менинг хўнграб юборишим автобусда ўтирган бошқа ишчиларни таажубга солди.

Ҳақиқатан ҳам кўрган тушим ва ўйлаган тахминим тўғри чиққан эди.

Бечора Шоймардон трактор авариясида ҳалокатга учраган экан уша тунда.

Ушандан буён эй Худо, тушларни менга кўрсатмагин дея ёлвораман.

София УЗОКОВА

Шахрисабз шахри

ДАРДИНГИЗГА ДАРДОН БЎЛАМИЗ

Ҳаётда шундай вақтлар бўладики, малакали мутахассислар, психологлар, руҳшунос, тиббий ходимлар, юристлар ва педагоглар ўз маслахатлари билан сизга ёрдам берадилар. Бизда ҳамма нарса сир сақланади.

Бизнинг манзил:
Тошкент шахри, Фурқат кўчаси, 1- уй (бинининг 4 қавати).
Телефон: 45-90-66, 45-18-68.

"ФАЙЗ" ИШОНЧ МАРКАЗИ

1. ТЕМИР ПАНЖАРА САРИ ЙЎЛ

Одина Махмудова 38 ёшни қаршилаб қўйган. Оиласида гулдек 3 нафар фарзанд бор. Фойдали меҳнат қилишга бўйни ёр бермаган бу аёл бекорчиликдан жиноят йўлига кириб қолади: гиёҳвандликка ружу қўяди. Гиёҳвандлик моддаларини ўзи истеъмол қилиши билан бирга бошқаларни ҳам у билан захарлашдан ор қилмайди. Уйда гиёҳвандлик воситалари савдосини йўлга қўяди. Ҳатто бундай хуфёна йўлда фарзандларини ҳам жиноий ишга қўл уришга ундайди.

Одинанинг "кўз илгамаси" бундай ишлардан қўни-қўшилари хабардор бўлишса-да, унга бепарво қарашар, қўриб-қўрмасликка олишар эди. "Уч боланинг онаси бўлса, босилиб қолар", деган ўйлар билан гоҳида тартибга қақриб қўйишарди бу аёлни. У бўлса ўзининг билганидан асло қолмасди. Уринли танбехлардан тегишли хулоса чиқариб олмас, ҳаётида яхшилик томон туб бурилиш қилмас эди. Ҳамон жамиятимизга доғ туширувчи қора қилмишларини давом эттирарди. Оқибатда бу қинғир йўл Одинани темир панжара ортига етақлади.

2. АЖАЛ УРУҒИНИНГ КАЙФИНИ СУРИБ...

Тўшлик вақти бўлгани учун гиёҳванд она шприцни олди-да, дарров "ўқлади". Овқатланиб олиш ўрнига "ўқланган" ана шу шприцни қон томирига санчиб, асабларини анча "бўшаштирди". Кейин кўчага йўл олди. Шу кунни соат 15.30 ларда гиёҳ "кайфи" билан кўчада юрган Одинанинг кўзи бирдан фарзандига танбех бераётган қизга тушиб қолади.

- Нега қизимни уришяпсан? - деб дўқ уради у фарзандини тартибга қақриб қўйган талабага.

- Уришганим йўқ, тартибга қақриб қўйгипман, холос, - деди талаба қиз. - Болангиз тош отган эди, менинг бошимга теғди. Оғрияпти.

- Нима, осмон узалиб, сенинг устинга тушибдими? Намуна зулмингни қизимга ўтказасан? Еки қоқиб қўйганмисан? - дея Педагогика олийгоҳининг талабаси София Кучимовани жамоат жойида ҳақоратлай бошлади.

Бундан ҳам қониқмаган гиёҳванд она уни дўппослашга тушди. Юз-кўзларига тушган мушт зарбига чидай олмаган талаба қиз атрофдаги одамларни ёрдамга қақирди. Бақирди-қақирди-қарни эшитган дугонаси Мухаббатхон 4-болалар боғчаси тарбиячилари билан бирга дарров етиб келади. Одина уларга ҳам даст тувишдан ор қилиб, жанжаллашишни давом эттирди. Аммо кўнчилиқнинг "маслаҳати" билан гиёҳванд она "ўз томошаси"ни тўхтади. Софийанинг жароҳатини кўрган яхшилар уни шаҳар шифохонасига жўнатиб юбордилар. Яхшиямки, талаба қизнинг бахтига улар ёрдамга ўз вақтида етиб келишди. Бўлмаса, Софийанинг бошига не

савдолар, не кўргуликлар тушмасди. Чунки суд тиббий кўриги хулосаларида С. Кучимован тан жароҳатлари олганлиги қайд этилган эди.

Иккинчи қора қилмишдан ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган Одина Махмудова шу кунни уялмай-нетмай яна бир жиноятга қўл уради. Шаҳар ИИБ ходимлари олган "маълумотлар"га оидинлик қилиш учун гиёҳванд аёлнинг "хуфёна дўқони"га харидор жўнатишди. У Одина истиқомат қилаётган уйнинг кўча томонидан деразасини аста тақиллатади.

- Нега тақиллатасиз, ака? - деб сўрайди кўзлари олазарак бўлиб қараган ўғил де-

Сохта харидор кўмагида ушланган гиёҳвандлик воситалари сотувчи аёлга кўрсатилганда уларни кўриб унинг ранги доқадек оқариб кетади. Далилий ашёлар қайд этилган ҳолда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

3. ЎЗИМГА УКОЛ ҚИЛАМАН

Милиционерлар хонадон соҳибасининг уйини ҳам текширувдан ўтказишди. Ана шунда улар тумбочка устидан ичига 4 млгр. ажал уруғи «ўқланган» бир дона шприц топиб оладилар.

- Буни нима қиласиз? - деб сўрашди милиционерлар хонадон соҳибасидан.
- Ўзимга укол қиламан, - деб жавоб қайта-

ҳида ўзгаларга ҳам пуллаб турардим.

Наркологик касалликларни аниқлаш комиссиясининг тиббий хулосаларига асосан Одина ҳақиқатан ҳам мунтазам равишда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилувчи наркоманиа касаллигига мубтало бўлганлиги ва у тиббий йўсинда даволанишга муҳтожлиги аён бўлди. Гулдек фарзандларининг тақдир ва уларнинг камолларини ўйламаган бу она болаларини ҳам жиноят йўлига бошлаб, пушмуш тарзларига озми-кўпми доғ туширди.

- Қора қилмишдан ниҳоятда пушаймонман, тавбамга таянман, - дейди Одина терговчига ўйчан ва нажот сўраган ҳолда боқар экан. - Энди бечора болаларимнинг тақдирини нима бўларкин? Мени кечиринглр... Иккинчи бундай ишларни қилмайман.

4. КЎЗ ЁШИ ТЎҚАЙТГАН ОНА

Она йиғлапти... Аёл кечирим сўрапти... У анча кеч бўлса-да, фарзандларининг тақдирини ўйлапти... Ахир улар зурриёдлари-да? Қайгурмай бўладими?! Қўқон шаҳар Ички ишлар бўлими бўлинимасининг терговчиси, милиция катта лейтенанти Б. Тўйчиев ўйчан ўтирган онанинг - Одинанинг нажот сўраб айтган ҳар бир гапларини эшитиб, унга раҳим қилиб кетди. Лекин начора: бу кечикиб қилинган пушаймон, холос. Қонун эса барча учун баробардир. Тергов натижаларига кўра, Одина Махмудованинг 13 ёшли қизи Нилуфар қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик моддасини сотган бўлса-да, жиноий жавобгарликка тортилмади. Чунки у жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаганлиги сабабли амалдаги қонун талабларига биноан жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Аммо унга тегишли материаллар вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи махсус комиссияда кўриб чиқилиб, тарбияси оғир болалар рўйхатига киритилиб, назорат остига олинди.

Гиёҳванд она О. Махмудова ва унинг ўғли Д. Махмудовларнинг содир этган жиноий ишлари судда кўриб чиқилиб, улар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдilar. Гиёҳванд она О. Махмудованинг оилавий - ўз фарзандлари билан ҳамкорликда қилган қора қилмишларини ҳуқуқий томондан таҳлил қилиб чиқар экансан, ўйлаиб қолсан киши. Аёл - жиноятчи... Она - маҳбус... У ўзи қолиб гулдек болаларини ҳам жиноят йўлига бошлаяпти. Ахир бу даҳшат-ку?!

Аёл бу — буюк зот! Чунки у она! Ана шундай кутлуг ва пок номга муносиб бўлиш, уни улуглаш ва доғ туширмаслик учун эса ҳар бир қадамнинг эҳтиботи бўлсин, аёллар! Аёллик шазнини, шонушхуратини асранг, оналар!

О. СУЛТОНОВ,
Қўқон шаҳар прокурори,
Қ. СУЛТОНОВА,
журналист

КЕЧИКИБ ҚИЛИНГАН ПУШАЙМОН



Гиёҳвандлик — аср вабоаси

разадан ўзига боқиб турган кишига. - Тинчлик борми, ўзи?!

- Тинчлик. Хавотир бўлманг. Менга фақат чек керак, холос.

- Нечта? - деб сўради Одинанинг ўғли Дилшод сирли иборани эшитиб унга.

- Бўлса 4 та! Бўлмаса 2 тагина.

- Топилади. Фақат пулини тайёрлаб туринг. Дилшод харидорга ана шундай деб, кейин онасига юзланди:

- Ая, 4 та чек керак экан.

- Стол устида турибди. Ўзинг олиб беравер. Нечундир кўнглим ғаш бўлаяпти. Пулини санаб олишни унутма, - дейди Одина ўғлини оғоҳлантириб кўяр экан.

Дилшод онаси айтган жойдан полимер плёнка бўлақларига ўралган гиёҳвандлик моддаларини олиб, харидорга тезроқ бериб келиш учун кўчага шошилади. Уларни "гиёҳвандлик моддасининг шайдоси"га узатади. Харидор эса Дилшодга 500 сўм беради. Хуфёна савдо ўз ниҳоясига етганидан сўнггина милиционерлар Одинанинг сирли "дўқон"и — уйига кириб бордилар.

ради гиёҳванд аёл заррача тап тортай.

Қонун талабларига

кўра ҳар эҳтимолга қарши холис аёллар томонидан Одинанинг ўзини ҳам текшириб қўрилганда сотиш учун танасининг нозик жойига яшириб қўйилган оғирлиги 5,4 грамм бўлган "Оний" гиёҳвандлик моддаси ҳам топилди. Шаҳар ИИБ ходимлари томонидан пухта тузилган режа асосида ўтказилган бу тадбирда гиёҳвандлик моддасини қонунга хилоф равишда сотиб келаётган О. Махмудова ана шу тарзда ушланди.

Тергов жараёнларида О. Махмудова далилий ашёлар ва холис гувоҳлар кўргазмалари олдиди қилган жиноятга тўла иқдор бўлишга мажбур бўлди. У гиёҳвандлик моддасини Бағдод туманидаги Дўрмонча кишлоғидан Таввақал исми бир лўлидан харид қилиб олганлигини рўйроқ айтиб берди.

- Буларни кўпроқ ўзим қон томиримга укол қилиш орқали истеъмол қилар эдим, - деди гиёҳванд она. - Ортиқчасини эса го-

губош, тўрт деворнинг тили бўлса гапирсин, негадир кўнглим тортмади.

Бирок, соддалигим, тўғриси, анқовлигимдан фойдаланиб ўша аёл мақсадига эришди. Ўз "қисматини" гапириб берди. Айтишча, бир йигит билан олти-етти йилча яшаган экан. Ўша

ДИЛ ИЗҲОРИ

таниш-билишларига: "Шу менинг эрим", - деб гап тарқатиб-ди.

МЕН АЛДАНДИМ, ХОЛОС...

Йигит уни ташлаб кетиб, бошқа қизга уйланибди. "Ҳозир уни уйга киритмаяпман. Умуман менга бунақа ишлар ёқмайди", - дерди. Қаҳқатан ҳам у эҳтироссиз ва касалланд эди. Назаримда шу боис ўша йигит уни ташлаб кетган бўлса керак...

Бир-икки ойдан кейин қилган хатоимни тушундим. У эса: "Энди оилангизга ҳаммасини айтаман. Сиз ҳам алдаб ташлаб кетмоқчимисиз?" - деб кўркимокчи бўларди. Лекин мен кўркмасдим. "Маили, уйига кириб-чиқиб юрсам нима бўпти", - дея ахён-ахёнда бир борардим. Мабодо, бормасам ишхонамга

Ўша гаплардан кейин эса алданганимни тушундим. Мен унга бузуқлигини ниқоблаш учун керак эканман. Мен бу гапларим билан: "Фариштадай оқман, покман. Ўша аёл мени йўлдан оздирди", - демоқчимасман. Аввало, энг катта гуноҳкор ўзимман — ичкиликка берилиб нотўғри қилган эканман. Чунки, ичкилик ичмасам, ўша аёлнинг очикчасига таклифини чуқурроқ ўйлаб кўрсам ёки уни таниган-билганлардан сориштирсам туюққа тушмаган бўлар эдим.

У эса мен айтмаган гапларни тарқатар, ўзинча кўшиб-чатиб дугоналарига кўнгил "изҳор"

ло ўзини таклиф қилмайди. Сир-асрорни фош этмайди. Мен бу гапларни бошқаларга сабоқ бўлсин, дея ўзимокдаман. Ҳа, бош огрикни ўзим сотиб олдим. Ҳозирги ҳолатим шундайки, уни кўришни ҳам, ўйлашни ҳам истамайман. Негаки, у сабабчи бўлиб тўғри йўлдан адашдим. Ўзим қора бўлди. Обруйи тўқилди. Мабодо у раҳмдил, пок бўлса, қаҳқатан ҳам менга кўнгиб қўйган бўлса, ҳеч қачон обрўйимни тўкишга ҳаракат қилмасди. Бошига қилич келса-да, мени сотмасди. Демак, бу нарса пухта йўлаб уюштирилган. Мабодо кимдандир ҳомилдор бўлса, у уй-жойимнинг бир қисмини тортиб олишни режалаштирган. Хуллас ўша аёлнинг тузган қабиҳ режалари танҳо Оллоҳга аён... Ўша ҳодисалардан сўнг аёллар билан суҳбатлашадан ҳам ҳайқадиган бўлдим. Негаки, "Сутдан оғзи куйган, қатқичи пуфлаб ичади", дейдилар. Энг яхшиси ўз оилангдан қўямасин экан.

Бу аёлни бир вақтлар танир эдим-у, аммо деярлик суҳбатдош бўлмаганмиз. Анча йиллардан кейин яна учрашиб қолдим. У негадир жуда илиқ муомала қилди. Ёлғиз яшаётганини айтди. Мен эса оилам ҳақида гапирдим. У: "Ҳозир икита аёл билан яшаш айбмас", - деди. Сўнг: "Қаҳқатан ҳам хотинингиздан ташқари бирон бошқа аёл билан юрмаясизми?" - деди. Мен эса бу ҳақда ўйлаб кўрмаганимни айтдим. Шунда: "Мен билан юракқилин", - деди ҳеч тап тормай. Аёлнинг бу гапига нима дейишни билмай хайрон қолдим. У эса: "Ҳазиллашдим", - деди-у тез хайрлашди.

Ана шундан кейин ишхонамга қатнай бошлади. Бошлиғимиз ҳам гап орасида: "Бунақа ишлар айбмас", - деб кўярди. Ўша вақтларда кўп ишлар эдим. Ичганимда ақл-хушимни йўқотардим. Шундай сармат кунларимнинг бирида унинг уйини топиб бордим. У илиқ кутиб олди ва ўша "гаплар"ни қайтарди. Аммо, орамизда ҳеч нарса бўлгани йўқ. Оллоҳ

ҲАМ... ГАПИРСАНГ ҲАМ...

Бу воқеага анча йиллар бўлди. У вақтларда ҳали уйланманган бўз йигит эдим. Деҳқончиликдан озгина хабари бор кишилар яхши эслашади. Бир пайтлар картошканинг "перекур" деган (номини қаранг, гўё сигарет чеккунча картошка пишар эмиш) эртапишар нави бўларди. Мен ўқишдан бўш вақтларимда кафтдеккина томорқамизда картошкани ана шу навини етиштирар эдим. Плёнқа остига экиладиган ушбу картошка рақобатчиларидан анча олдин бозорга чиққани учун нархи ҳам анча балианд — беш, саккиз сўм атрофида бўларди.

Қиссадан-қисса

Ваҳоланки, бу вақтда эски картошканинг нархи бир сўмдан ошмасди. Хуллас, бозорда картошка сотиб ўтирган эдим.

Эрталаб бировгина кўринган қуёш юзини қора булутлар қарвони тўсиб қўйганидан вақт эндигина тушга ақинлашаётган бўлса ҳам, кун нимкоронгу эди. Бозорда харидорлар деярли йўқ. Аксарияти ёш йигитлардан иборат бўлган картошка бозори сотувчилари бекорчиликдан зерика бошладилар. Шу вақт бозорга бир қиз кириб келди. Бу қиз шу даражада гўзал эдики, уни хусни-жамолини таърифлашга ҳар қандай сўз ожизлик қиларди. Шоир:

Коматин кўриб гуллар, Сарвилар хижолатда...

деганида айнан мана шу лобар қизни назарда тутганига заррача шубҳам йўқ эди. Бозордаги барча сотувчилар унга маҳлиё бўлиб қолдилар. Нафақат сотувчилар, балки бу вақтда қуёш ҳам париваш юзини кўриш учун аллақачон қора булутлар орасини ёриб ўтган, бозор четидан чинор дарахтида қушлар шодон сайрай бошлаган эдилар.

У расталар ўртасида тўхтади-да, бозорни кўздан кечирди ва кутилмаганда... Мен томон юрди.

- Ака, картошкангизни килоси неча сўм?

- Саккиз сўм, - унга суқланиб тикилдим. Гарчи қарамасамда, аини вақтда мен билан жонон ўртамиздаги суқбатни ўнлаб нигоҳлар қузатиб турганини хис қилардим. Шунинг учун атайлаб қўшиб қўйдим, - лекин ўлибманми сиздан пул олиб, чиройли қизлар учун текин.

У қошларини чимирди.

- Ундай бўлса беш кило торинг, - унинг бу чимирлиши ҳам ёноғидаги мошдеккина холи каби ўзига жуда ярашган эди. У картошкани олди-да, индамай кета бошлади.

- Яхши қиз... - сўзларим гўё бўғзимга тикилиб қолган эди. - Хўш, - у юришдан таққа тўхтади-да, орқага бурилиб мен томон бир қадам ташлади.

- Картошкани текин дедим, тўғрими? Бу гапингизни ҳамма эшитди. Йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди, шундай эмасми? - қиз менга бироз тикилиб турди-да, жавобимни ҳам қутмай жўнаб қолди. У зум ўтмай кўздан гоёйиб бўлди. Шундагина хато қилганимни, атрофдагиларни қойил қолдираман, деб ўйламай гапирганимни фаҳмладим. Гўзал тўламай кетган

қирк сўм анчагина катта пул бўлиб, ўша

вақтда мен каби талабаларнинг бир ойлик стипендиясига тенг эди. Ҳозир гап фақат пулдагина эмас, атрофимдаги сотувчиларнинг истехзоли назари мени таъбиб этар, ундан, номусдан бошимни қуйи эгиб олган эдим.

- Хўш ака! Хафа бўлмай ўтирибсизми? - орадан қанча вақт ўтганини билмайман, бояги қизнинг кўнгириқдек жарангли товушини эшитиб бошимни кўтардим. У яна қаршимда турарди.

- Нега хафа бўлай, - юзимни четга бурдим. Ростини айтсам, ҳуснда тенги йўқ бу малак энди кўзимга хунук кўри-на бошлаган эди.

- Мендан ранжиманг. Мен тўғримида ёмон фикрга ҳам борманг. Картошкангизни пулини тўлашга қурбим етади. Мен атайлаб шундай қилдим. Сизга «Ҳам гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир», деган нақлни эслатиб қўймоқчи бўлдим, холос. У сумкасида бир даста ўн сўмлик чқарди-да, орасидан иккитасини суғириб олиб, пештахта устига ташлади-да, - манавини олиб қўйинг. Тагин текин картошка ҳазм бўлмай юрмасин, - деди.

Бу воқеа менга бир умр сабоқ бўлди. Ушандан бери одамлар билан гаплашганимда, (айниқса суқбатдошим аёл киши бўлса) оғзимдан чиқаётган ҳар бир сўзга эътиборли бўлишга ҳаракат қиламан.

«Ҳа, азизлар! Бу ҳаётда ибратли воқеа ва ходисалар кўп учраб туради. Фақат уларни илғай билиш ва тўғри хулоса чиқариш керак. Зеро:

Ҳар бири киши ҳаётдан олмаса таълим, Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

Ҳожимурод АБДУРАҲИМОВ
Тошкент шахри

Равшан худди туш кўраётгандек эди. У уйғонай деб қанчалик ҳаракат қилмасин, уйғона олмаётгандек қийналарди. Равшан бир одамларга, бир ёнидаги оппоқ либосга бурканган келинчакка қараб кўзларига ишонмас, гўё бу тўй шунчаки номига, гарчи Лобарни унутолмаган бўлса-да, уни юрагидан чқаролмаслигини билса-да, ундан аламини

Орадан йиллар ўтди. Лобар аълочи эди. Равшан унга: "Дафтарингни кўчиришга бериб тур", - деса: "Йўқ, мени пучук дегансан, аввал минг марта кечирим сўра", - дерди кулиб. Равшан ҳам гапни ҳазилга йўйиб: "Қайтиб олдим, кечир", - деб ялинган бўларди. Дафтаригадини кўчириб бўлган эса: "Кечирим сўради деб кўп талтайма, барибир

қирларга чиқишар ва иккови ажралиб қолиб сайр қилишарди. Равшан қирнинг энг балианд жойига чиқиб: "Мен сени яхши кўраман Лобар!" - деб бақирарди...

Равшани кимдир туртди. Қараса кимгадир сўз берилган-у, Равшан ўрнидан турмаганлиги учун келинчак нима

Раъно АБАЗОВА

ЁШЛИҚДА БЕРГАН КЎНГИЛ

олиш учун ўтказилаётгандек эди, назарида.

«Эй, худо! - ўйларди ичида у, - ёнимдаги қиз ким, нахотки менинг кимлигимни билмасдан, суриштирмасдан мен билан яшашга рози бўлса. Бугун унинг кўлларига узук тақдим. Одатда одамлар узукни садоқат, вафо белгиси деб тақдилар, ammo мен нима деб тақдим... Худойим, қани эди мўъжиза рўй берса-ю, ёнимдаги келинчак Лобар бўлиб қолса. У билан тўйиб-тўйиб суқбатлашиб ўтирган бўлардим».

Унинг хаёлини тўйда раислик қилаётган йигитнинг овози бузди: «Энди сўз навбати Равшанжоннинг энг яқин дўстларидан Анваржонга».

Анвар микрофонни олди-да, келин-куёвга бир қараб қўйиб, сўз бошлади:

- Мен бу икки севишган ёшларга бахту саодат, узук умр тилайман. Оллоҳ уларга қиз-биридан ширин-қизлар берсин.

Равшан: "Бас қил, Анвар!" - деб бақиргиси келди. "Сен ҳаммадан ҳам кўпроқ менинг дардимни билар эдинг-ку!.. Нима десанг дегин-у, лекин "севишган" демаслигинг керак эди. Ахир мен ёлғиз Лобарни севишимни, ундан бошқа ҳеч кимни сева олмаслигимни мендан кўра сен яхши билар эдинг-ку, Анвар..."

Тўй қизигандан қизиб борар, санъаткорлар қўшиқ айтар, келиннинг дугоналари куёвжўрлар билан навбатма-навбат ўйинга тушишар эди. Қўшиқ тугаган эса, даврадагилардан бирор кишига сўз берилар ва у бу тўйда иштирок этаётганидан бахтиёр эканлигини айтар, келин-куёвга самимий тилақлар билдиради.

"Мендан бошқа ҳамма бахтли", - деб хаёлидан ўтказган Равшанга ёру биродарларининг йўини ҳам, табрикларини ҳам таъсир қилмас, унинг кўз ўнгида фақатгина Лобар турар эди... Лобар билан боғлиқ хотиралар худди кино лентасидек хаёлидан бир-бир ўтарди... Мактабга биринчи борган кунни ўқитувчиси Равшанга: "Лобар билан битта партада ўтирасан", - деганда, у: "Йўқ бу қизнинг бурни пучук, мен пучук билан ўтирмайман", - деганди.



пучуксан", - деб кулиб қочарди.

Хуллас, йиллар ўтиб ўша пучук қиз унинг бутун хаёлини, қалбини эгаллаб олди. Унга биринчи мартаба хат ёзганда, Лобар қисқанига қилиб: "Мени пучук дегансан, ҳеч қачон майли демайман", - деб жавоб ёзганди. Мактабни биттирадиган йили улар шунчалик иноқлашиб кетишдики, бир-бирини кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолишди. Лобар ҳар гал учрашувга чиққанда: "Дадам сенга бермайди, деб қўрқаман, севишганларни ёмон кўради", - деб хўрсиниб кўяди. "Мен даданга сени яхши кўришимни, сенсиз яшолмаслигимни тушунтирмаган, агар тушунмаса, бошқа бермоқчи бўлса, сени олиб қочиб кетаман. Дунёда ҳақиқий муҳаббат, чин сеvgи деган муқаддас туйғулор борлигини исбот қиламан", - дея Равшан ўзини эртақдаги ботирлардек хис қилар эди.

Уларнинг қишлоғи қирлар билан ўралган эди. Улар кўпинча синфдошлари билан

қилишини билмай лол бўлиб турипти. Бу ҳолат тўйда жуда кўп такрорланди. У гоҳ турган жойида даврадагилардан бири кўзига Лобар бўлиб кўриниб, бир зум қотиб қолар, гоҳ ўтирган жойида бир нуқтага тикилиб қолар, натижада келин бечорага қийин бўлди. Розия ўтирайд деса, Равшан турган жойида ҳайкалдек бўлиб қолган, биров табрикляётганда ўрнидан турар деса, яна шу хол. Анвар Равшаннинг ёнига келиб: "Келинга гапириб, ёзилиб ўтирсанг-чи мундоқ", - деди астагина. Равшан бош силкиб қўйди. Лекин Розияга гапириб ўтиришга ўзида бир куч топа олмади.

Бир маҳал даврага Равшаннинг онаси кириб келди. Унинг икки томонидан аммаси ва холаси суяб олишган эди. Равшан онасини кўрди-ю, "Бечора онам", - деб кўзига ёш келди. Онасининг бу ҳолатга тушишига ёлғиз Равшан айбдор эди.

(Давоми бор)

«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси жамоаси компания ходими

Ҳабибулла ЙЎЛДОШЕВНИНГ

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахрират нукта назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлёмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, эзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо ниси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топшириди - 20.00

Газета тахрират компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 3026. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобук, Баҳоси эркин нарҳда. Адади - 30 000
Саҳифаловчи - **Жаъфар ЖАББОРОВ**.
Рассом - **Набижон ХОЛМУРОДОВ**.
Навбатчи - **М. СОДИҚОВ**.